

Маъмур МУСУЛМОН

# УЙМОЗОР

ёхуд бўлма илон қиссаси

(воқеий қисса)

“Наманган” нашриёти - 2007 й.

## МУҚАДДИМА

Инсон ўзининг онг-шуури, ақл-заковати билан бошқа мавжудотлардан кескин фарқланади. Аммо баъзан инсон шундай хунрезликларга, қабиҳликларга қўл урадики, уни таърифлашга тил ва қалам ожизлик қилади.

Биз хом сут эмган бандалар бўриларни ёвузликда, ваҳшийликда айблаймиз. Улар ҳақида ҳар хил эртак, чўпчаклар айтиб, фарзандларимиз онгда бўриларга нисбатан қўрқув ва айни пайтда нафрат ҳиссини уйғотамиз. Аммо ўзимизнинг орамиздан чиққан ва чиқаётган "бўрилар"-чи?! Уларнинг ёвуз қилмишларини қандай сўз билан ифодалаш мумкин?! Бундай пайтда ҳар қандай кишининг тили калимага келмай қолади. Наҳотки, одам боласи ҳам шундай қабоҳатга қўл уради?! Нега?

Юракни ларзага соладиган бу жиноят ҳақида фикр юритганда, аввало, шулар ҳақида ўйлаймиз. Ўйлаймизу беихтиёр "Астағфируллоҳ" дейишдан ўзга чора топа олмаймиз ва ўтганларнинг пок руҳларини безовта қилаётганимиз учун Яратгандан истиғфор сўраб, ётган жойлари нурга тўлиши, қолганларга эса Ўзидан инсофу тавфиқ, имон-этиқод, сабру-қаноат тилаймиз.

\* \* \*

20.01 A/123	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------	--

НГ 610-1339,86-1247300 2007  
611-4,0-(03)-07

© "Наманган" нашриёти.  
Маъмур Мусулмон

НО 32998  
0

## БЕСАРАМЖОН ЮРАК

Тонг отмаганди. Жувон чўчиб уйгонди ва ётган кўйи калима ўғирди. Сўнг ўрнидан туриб, ташқарига чикди. Кўча дарвозаси илгакланмаган, эри ишдан қайтмаганди. Тавба! Унинг бунақанги одати йўқ эди-ку, кечикса ўн, ўн бирларга қолмай ишдан қайтарди. Ҳаяллаб қолди, тинчликмикан?!

Аёл молхонага элтувчи йўлакда юра бошлади. Кузнинг оромбахш салқин кечаси... "Тирқ" этган товуш узоқ-узоқларга кетади. Осмон тўла юлдуз... Бирдан юлдузлардан бири яшил тезлигида учди.

Жувон иложи борича ундан кўзини олиб қочишга уринди. Барибир бунинг уддасидан чиқа олмади. Самодаги юлдузнинг учиши бехосят бўлишини аёл ёшлигида эшитганди. Шу боис юраги ғашланди, ҳаёл қуши уни ҳар ёққа олиб қочди... Ўзини овутиш учун турли ўйларга берилди. Аммо фойдаси булмади.

- Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да...

Қишлоқ уйкуда... Кўча томондан онда-сонда ўтаётган машина товуши қулоққа чалинади. Жувон ортига қайтиб, дарвоза томон йўналди. Дарвоза ланг очик... Дарвоза аёлнинг кўзига қандайдир совуқ, жаҳаннамнинг оғзидек кўринди. Шу пайт кўча бошида эса енгил машинанинг чироқ шуъласи... Аёлнинг кўнгли бироз ёришди, бироқ, бу узоқ давом этмади. Машина қўшни кўчага қайрилди. Жувоннинг яна диққати ошди.

- Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони афзал, - беихтиёр ўзига ўзи пичирлади у, - бинойидек ишлаб турганди. Чўлда нима бор эди?!

- От айланиб қозигини топармиш, - деганди қиш кунларининг бирида Жаббор ака хотинига, қариганда яна бир чўлда ишлайдиган бўлди-да!

Эрининг гапи жувонга ёқмади.

- Чўлда сизга нима бор?

- Гапингни қара-я, - хотинидан астойдил ҳафа бўлди эр, - йигит киши қирқ ёшида қирчиллайди. Ҳали билагимдан кучим, белимдан қувватим кетганича йўқ.

- Кўйинг, дадаси, эрини шаштидан туширмакчи бўлди аёл, - кўп емасак, озроқдир. Оч қорним, тинч қулоғим.

- Эҳ, аттанг, бошини сарак-сарак тебратди Жаббор ака, аввал сен билан маслаҳатлашсам бўларкан-а! Энди раисга нима десамикан! Унинг олдида уятга қоладиган бўлдим-да!

Жувон эрининг кесатиқ ва айни пайтда кинояли гапини англаб етди. Шу боис ортиқча гап-сўз қўшишдан ўзини тийди. Эри бир сўзли одам! Кўпчилик ундан маслаҳат олиб, иш юритар,

эл-юрт ўртасида шунга яраша ҳурмат-этиборга лойиқ киши.

Жаббор ака Обидовнинг иккинчи бор чўлга бориши ана шу тариқа бошланганди. Чўл ундан ёшларга хос ишлашни, ёшларга хос матонатни кутаётганди. Йўқса барча ишлар орқага кетиши тайин. Ҳар кун у ишга эрта кетиб, кеч қайтаётганди. Мана бугун у ҳар кунгидан кечикди. Тун ярмидан ўтиб, хўроз қичқирди. Ҳамон ундан дарак йўқ. Илҳақ хотин, умр йўлдошини кутяпти...

\* \* \*

Шаҳарнинг бош бекати ҳар доимгидек гавжум. Турли йўналишларга қатновчи автобусларидан ташқари ҳар хил русумдаги энгил машиналар тиқилиб ётибди. Истаган йўловчилар “Дамас”, “Нексия”, “Тико” ёки “Жигули”га тушиб, довон ошишлари мумкин.

Олд ойнасига борар манзили ёзиб қўйилган “Раф” энгил машинаси ҳайдовчиси кўкрагини рулга босиб ётиб олган. У йўловчилар оқимини кузатаркан, хаёлини машина эшиги олдида пайдо бўлган йигит ва унга ҳамроҳ жувон тўзғитиб юборди. Жувоннинг қўлида бир, бир ярим ёшлар чамасидаги қизалоғи ҳам бор.

- Қачон жўнайси, ака.

Ҳайдовчи рулдан кўкрагини олди. Қаддини тиклаб, бир керишди-да, сўнг чап қўлини боши баробар кўтарди. Соатига қараб, хомуза тортиди.

- Машина тўлса, деди у йўловчи йигитга бошдан оёқ разм соларкан, - жўнаймиз.

Йигит қўлидаги халтасини жувонга тутқазди. Ўзи шу яқин орадаги дўкончаларга қараб кетди. Жувон машинанинг орқа бўш ўриндиқларидан бирига омонатгина жойлашди.

Икром егуликка пул санади. Қайтимини санамай чўнтакка тиқди. Қадамларини катта-катта ташлаб “Раф”га яқинлашди. Оғзидаги сигаретасини чукур-чукур тортиди-да, кўрсаткич бармоғи билан чертиб улоқтирди. Энгашиб машина салонига бошини суқди. Мулойим товушда ўтирганлар билан саломлашди.

- Ваалайкум-ассалом, - алик олишди. - Ҳа, умрингиздан барака топинг!

Йигит илжайиб, бўйинини чўзди ва ўз жуфтини кўпчилик орасидан ахтарди.

- Шу ердамиз, дадаси!

Икром кўпчиликни безовта қилаётганлигидан узр сўраб, машина салонининг орқа ўриндиғига ўтириб олди.

Ҳайдовчи орқасига ўгирилганди. Салон тўлган, бундан унинг димоғи чоғ, кўнгли равшан тортиди ва машина калитини буради.

- Қани оқсоқол, - ҳуш кайфиятда овозини баралла қўйди ҳайдовчи, - бир дуо қилинг!

- Илоҳим сафаримиз бехатар бўлсин, - деди мошгуруч соқолли чол.

Дуога барча-барча қўшилди. Ҳатто бир қўлида фарзандини маҳкам қучоқлаб олган Мастуранинг иккинчи қўли юзини силаб ўтди.

Машина бир зумда Кўҳна шаҳарни ортга қолдириб, иккинчи бир шаҳарга элтувчи текис йўлга тушиб, шамолдек елди. Катта йўлнинг икки томонида тут кўчатлари... Кенг далалар... Пахтазорларда қиз-жувонлар... Улар йўлдан ўтаётган машиналарга, йўловчиларга ҳавас билан боқишади. Бир оз, бўлса-да белларининг чигалини ёзиб олишади. Баъзилари қўл силташади.

Ҳайдовчи магнитофон мурватини буради. Ундан ёқимли куй ва хонанданинг ширали овози янгради.

\*\*\*

Икром хотинини етаклаб, шаҳар деҳқон бозорига кирди. У ҳеч нарса харид қилмаса-да, нарх-навони суриштирди. Кейин ортига қайтиб, Урам чойхонаси томон юраётган йўловчиларга қўшилди.

Деҳқон бозори олдидаги шовқин кулоқни қоматга келтиради. Бир-бирдан шошган одамлар... Машиналар оқими... Ҳамма ўз юмушини тезроқ битириб олишни ўйлайди. Кимдир машинасини катта йўл четига тўхтатиб, ўзи бозордан ул-бул харид қилгани кириб кетади. Яна бошқаси машинасига суюнганча шеригининг бозордан чиқишини пойлайди. Иши битганлари турна қатор қатновга қўшилиб, кўздан ғойиб бўлади. Кейинги машина бўш ўриндан жой олади.

Икром йўл-йўлакай машиналарнинг ранг-рўйига, ҳайдовчиларига синчиковлик билан разм солди. Хаёлан нималарнидир режалаштирди.

Ўрам чойхонаси Чойхона олдида турли шаҳарларга қатнайдиган энгил машиналар қатор терилган. Ҳар бир машина эгаси дуч келган кишига “Қаерга борасиз, ўтиринг, элтиб қўяман”, дейди.

Чойхонанинг доимий хўррандалари бор. Чунки бу ерда чой, айниқса, кўк чой бошқача дамланади. Оҳ, оҳ! Киши ичган сари роҳатланади. Чойхона йўлагидаги пазандалар тайёрлаган қўлбола кабоб, пиширилган гўшт, дўлма, сомса киши иштаҳасини қитиқлаб юборади.

Икром икки кишига яраша пиширилган гўшт ва йўл-йўлакай харид қилган икки дона нонни дастурхонга қўйди. Кўзни қири билан ён-атрофига, кейин ташқарига қараб қўйди. Кун пешиндан оғаётган, кўёш ўз ётоғи сари шошаётганди.

Пул - қўлнинг кири. Бироқ пулсиз кўчага чиқиб кўринг-чи?! Ҳеч ким сизни сариқ чақага ҳам олмайди. Агар киссада пул бўлмаганида Ўрам чойхонасида пуфлаб чой ичишнинг ўзи бўлмасди. Яхшики пул олаётган кишиларга бари-бир. Улар сендан бу пулларни “қандай

топгансан, кимдан олгансан, ҳалолми, харомми?" деб сўраб-суриштирамайди. Узатсанг бўлди, олиб қўяверишади.

Икром чойхоначига ва йўлакдаги гўшт сотаётган ўзи тенги йигитга еттинчи қотиллик туфайли қўлга киритган пуллардан узатди.

## ЕТТИНЧИ ҚОТИЛЛИК

"Қўйлик" бозори... Осма кўприкнинг кунчиқар тарафида водийга қатнайдиغان киракаш машиналар... Қуёш қизара бошлади. "ВАЗ-2106" русумдаги "Жигули" автомашинасида ҳайдовчидан ташқари бир эркак, бир аёл ва бир, бир-ярим ёшлар чамасидаги қизалоқ ўз маъзилларига қараб йўлга тушди.

- Йўл-йўлакай овқатланармиз,- жавоб қилди йўловчи ҳайдовчининг саволига.

- Яхши,- мижданинг фикри маъқул тушди ҳайдовчига,- Кўп қаватли уйлар олдидаги чойхоналарда тўхтаимиз. У ерда водийдан келган ошпаз йигитлар ишлайди. Қимматроқ, аммо оғзингиз маза топади.

- Пулига арзийди-да!

Катта шаҳарнинг осмонўпар бинолари кўздан узоқлашди. Водийга олиб борувчи равон йўлдан машина елиб борарди. Ҳайдовчи анча толиққан, уни уйқу боса бошлади. Лекин ухлаб қолмасликка тиришади.

- Шаҳарга тинчлик билан келдиларингизми,- гап олмоқчи бўлди ҳайдовчи Икромдан.

Кутилмаган савол Икромни эсанкиратиб қўйди. Оёғи остига ташлаб қўйган сумкасини қўли билан бир ушлаб, унинг ичидаги нарсалари жойида эканлигини билиб олгач, кўнгли жойига тушди.

- Ҳозир,- деди Икром ҳайдовчининг саволига,- ким ҳам бекорчиликдан кўчага чиқади.

- Тўғри айтасиз,- унинг фикрига қўшилди ҳайдовчи,- ҳаммамиз ҳам бола- чақа боқиб, рўзгор тебратиш илинжида юрамиз-да. Яхшиям шу машина бор. Катта шаҳарга тез-тез қатнаб тураман. Қора кўзлардан нечта,- гапининг сўнггида кўшиб қўйди ҳайдовчи.

- Икки қиз,- жавоб қилди Икром, - ўзларида-чи?

- Бизда учта...

Машина кўп қаватли бинолар олдидаги чойхоналарнинг бири яқинида тўхтади. Йўлнинг икки томонида йўловчи машиналар... Чойхона кеча-кундуз йўловчиларга бир ҳил тартибда хизмат кўрсатади.

- Равшан ака, қўяверинг мен,- официант қизга илдамроқ пул узатди Икром.

- Майли,- соддалигига борди Равшан. - Борганимизда ҳисоб-китоб қиламиз-ку!

Ҳайдовчи давон ортида ўзини қандай “ҳисоб-китоб” кутаётганини билмасди. У тезроқ мижозларини уйларига элиб қўйиш ва ўзи ҳам фарзанларининг бағрига етиб олиш ниятида эди, холос.

Қамчиқ давони... Ўз бағрингни қанчадан - қанча одамларга очмадинг! Сен барчага баробарсан! Бағрингдан отилиб чиқаётган зилол сувларингни кимлар келиб ичмади?! Кимлар келиб лойлатмади? Бағрингни тилиб ўтган бу сўқмоқлардан кимлар ўтмади? Инсон қиёфасида юрган каззоблар... Эзгу ниятли инсонлар... Ў-ў, Қамчиқ давони! Наҳотки, ҳаётда эзгулик билан разолат бир умр ёнма-ён яшайди!

Қамчиқ давонига тирмашаётган юк машиналар вазмин ҳаракатланади. Ҳеч кутилмаганда улар орасидан “Тико” чиқиб қолади. Қандай тез пайдо бўлса, шу тарзда яна кўздан қочади. “Нексия” эса салобат билан юк машиналарини қувиб ўтади.

- Чарчаётган бўлсангиз рулни менга бераверинг,- деди Икром уйқу элитаётган Равшанга,- машина ҳайдашга ҳужжатим бор.

- Бир дам ҳайдай.

Машина биринчи ва иккинчи тунеллардан ўтди. Қамчиқ довоининг бели забт этилганди. Энди йўлнинг деярли ҳавfli жойи қолмаганди. Равшан машинани йўл чеккасига тўхтатди.

Муздек тоғ ҳавоси... Уйқу қочгандек бўлди. У тоза ҳаводан тўйиб нафас оларкан, юлдуз тўла осмонга қараб керишди. “Милт - милт” этаётган юлдузлар орасидан ўзининг, аёлининг, фарзандларининг юлдузларини ахтариб топди. Барибир чарчоқ кучлилик қилди. Равшаннинг машина бошқаришга кўзи етмади. У машинанинг тўртала балонини бир-бир тепиб чиқди. Пайтдан фойдаланган Икром оёғи остидаги сумкасини орқа ўриндиқда келаётган хотинига узатди. Равшан машинанинг олд ўриндиғига ўтиргач, ўриндиқни ухлашга мослади.

- Икромжон, бўлмай кетди,- деди Равшан уйқу босаётган кўзларини бармоғи билан уқалаб,- бироз ҳайданг.

Равшан машина рулини, ўз тақдирини Икромга ишониб топширди.

Икром рулга ўтиргач, ортига, хотинига айёрона қараб, жуда секин, айна пайтда йўл қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда юришда давон этди.

Сирдарё! Соҳир дарё! У сокин тун қўйнида осуда, тинч оқади. Фақат Равшангина ғафлат уйқусига ботганди.

Икром орқа ўриндиқдаги хотинига кўлини чўзди. Аёл сумкадаги қирқма милтиқни зрига узатди. Машина бир силтаниб, ўчди. Равшан чўчиб уйғонганди, унинг уйқу босган кўзларига Икромнинг важоҳатли башараси элас-элас кўринди.

- Овозингни чиқарма, отиб ташлайман!

Равшан кўз ўнгига рўй бераётган воқеани англаб етмади. Йигит

милтиқ ўқталиб турарди. Наҳотки, у ёмонликни раво кўради?! Бу уйку аралаш туш! Инсон боласи ҳеч қачон бундай шароитда бир-бирига қурол ўқталмайди-ку?!

- Ҳазилингизни қўйинг!

Равшан милтиқ стволини ўзидан четлаштириши ҳамона қурол отилиб кетди. Зум ўтмай милтиқ кундоғи йигитнинг бошига икки-уч маротаба зарб билан урилди. Атроф қоронғулашди. Ҳайдовчининг қулоқ чакаги битиб, кўз олди жимирлашиб кетди. У ҳушини йўқотиб, “шилқ” этиб жойига ётиб қолди. Эр-хотин сумкадаги чилвир арқон билан унинг икки қўлини орқасига боғлади. Сўнгра орқа ўриндиққа беҳуш ётқизиб қўйишди.

Машина ўрнидан қўзғалди.

- Сен анавидан кўзингни узмай - тайинлади Икром хотинига. - Ўзига келса бошига милтиқнинг кундоғи билан тушир!

- Хўп!

Равшан пича ўзига келгандек эди. Ваҳшийлашган Икром машинани яна тўхтатди.

- Ҳой, мен сенга жим кетгин дедим,- дея вакилларди кўзлари қонга тўлган Икром,- овозингни чиқарма! Сен менга юз минг сўм пул берасан. Тирик қоласан. Булмаса...

Икром чалажон Равшаннинг оғзига рўмолчани буклаб тиқиб яна рулга ўтирди. Машина яшин тезлигида Шўрқишлоқ кўчаларидан ўтиб борар, фақат у ер бу ерда дайди итларгина катта йўлда ўлиб ётган каламушларни тортқилаш билан овора эди.

Кўча дарвозаси тезда очилди. Ҳовли ўртасидаги ўрик ости “Жугили”нинг сўнги манзили эди. Дарвоза “тарақ” этиб ёпилди. Аёл қўлидаги қизчасини маҳкам бағрига босиб, ичкари уйга кириб кетди. Икром сумкадаги тросс-сиртмоқни қўлига олиб ўйната бошлади.

- Ҳозир, сенга сув олиб келади,- деди Икром юзларидан қон оқаётган Равшанга яқин келиб,- қонларингни ювиб оласан! Бу ерда кўрган, билганларингни ҳеч кимга айтмайсан!

Равшан боши билан тасдиқлади. Аёл қумғонда сув келтирди ва машинанинг орқа эшигига яқинлашди. Равшан энгашиб, бошини унга тутди. Шу пайт тросс-сиртмоқ унинг бўйнига тушди.

- Илтимос, мени ўлдирманглар!

- Ломни келтир!- буйруқ берди хотинига Икром.

Жувон зрининг буйруғини қулоқ қоқмай бажарди. У дарвозага суёглик ломни келтирди.

- Бошига сол!

Аёл лом билан Равшаннинг бошига урди. Бундан кўнгли тўлмаган эр хотинининг қўлидан ломни тортиб олди-да, зарб билан



ҳайдовчининг бошига туширди. Оғир лом йигитнинг ҳаётига нуқта қўйди. Эр-хотин биргаликда жонсиз танани машинадан суғириб, девор остидаги чуқурликка судрашди. Қотиллар нафасларини ростлаб олишгач, Равшаннинг қўлларидан чилвирни ечишди. Майитни эса чуқурликка ташлаб, кўмиб юборишди. Сўнгра Икром ўлжаси атрофида оч бўридек айланиб, кафтларини бир-бирига ишқалаб, ишга киришди. Машинанинг орқа ва олд рақамларини ечди.

- Бугунга етади,- деди у хотинига,- қолганини эртага жойлаб, бозорга чиқаман. Жойни солдингми? Энди ётиб ухласак ҳам бўлади.

Икром ётишдан аввал Равшаннинг чўнтакларидан қоқиштирган пулларни санади. Икки минг икки юз сўм Ором қишлоғида дадасини интизорлик билан кутаётган уч нафар норасида гўдакнинг ризқи эди. Икром пулларни яна бир қайта санади. Ўзича айёрони кулди. Кейин ётар олдидан ҳамма-ҳаммаси учун шишадаги ароғидан пиёлага тўлатиб, кўтарди. Ароқ борган жойигача қиздириб, Икромга хузур бахш этди. У тахмондан кўрпа-ёстиқ олаётган хотинини гапга тутди.

- Мендан пул олиш осонмикан,- мақтанди Икром,-пул олмоқчи бўлганларнинг жойи девор остида. Онаси, мендан яна ким олти минг сўм олмоқчи бўлганди?

- Қайдам,- деди аёл,- уларнинг қай бири эсимда бор.

- Мен аниқ эслайман,- деди Икром оғзидаги газакни ютиб,- у пичоқчилар юртидан эди. Худди ановиндек мендан олти минг сўмни қуртдек санаб олмоқчийди.

## ИККИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Болалар дадасининг йўлини ҳар куни пойлашади. Кўчада машина овози эшитилдими, тамом. Уччала бола тенгдан “Ана дадам келдила” деб бир-бирларига қарамай чопқиллашади. Талашиб қўш қанотли дарвозани очишади. Машина рулини бошқариб бораётган киши болаларга эътибор бермайди. У икки кўзини йўлдан узмай, тўғрига қараб ўтиб кетаверади. Тарақлатиб очилган дарвоза шу куйи қолиб кетади. Болалар ўсал бўлганларича орға қайтишади. Айниқса, кичкинтойга алам қилади. У ерга ётиб, овозининг борига додлайди.

- Дадамни, соғиндим, дадажонимни соғиндим. Да-да, да-да, да-да-жон!

Укасига Ҳафизанинг ичи ачиди. Тупроққа беланаётган Рустамжонга раҳми келди. Унга яқинлашди, ердан кўтариб олмоқчи бўлди.

- Мен дадажонимни соғиндим,- ўпкаси тўлиб йиғлайди бола,-

нимага уйга келмай кетдила. Дадам менга Катта шаҳардан ўзи юрадиган ўйинчоқ машина олиб келаман дегандила-ку.

- Рустам, жон укажон, йиғламагин, ўзимнинг асал укагинам, йиғламагин.

Хафиза ўзидан тўрт-беш ёш кичик укасини алдаб, юпата бошлади.

- Дадам, келадила,-давом этди қизалоқ, - куни кеча нарги маҳалламиздаги Туроб амаки бор-ку. Уша амаки дадамни Катта шаҳарда кўрибдила. Машиналари бузилиб қолибди. Эрта-индин келармишлар.

Бола ердан бошини кўтарди. Йиғлашдан тўхтади. Кўз ёшларини чанг қўлларини билан артди.

- Ростдан айтяпсизми?

Хафиза ёлғон айтаётганини сездирмаслик учун юзини кўча тарафга бурди.

- Ёлгончи,-ҳафсаласи пир бўлди боланинг ва ўрнидан туриб усти-бошларини ҳам қоқмай ҳовли саҳнига қараб юра бошлади. - Менга ўйинчоқ керакмас,-деди у беш-олти қадам юриб,-дадажоним келсала бўлди, ёлгончи!

\* \* \*

Чиндан ҳам Каримжон Катта шаҳарнинг бозоридан кичик ўғли Рустамга ўзи юрадиган ўйинчоқ машина олиб келмоқчи эди.

- Дадаси, шу сафар ваъдангиз устидан чиқинг,- тайинлади Замира Каримжонни дарвоза олдида кузатаётиб.- Бола бояқишнинг ўйинчоғи йўқ. Ўртоқларининг ўйинчоқларини кўриб, юраги оқиб кетяпти.

- Хўп,-деди Каримжон ва машина қутичасидаги дафтар-ручкани олиб ёзиб қўйди,- битта машина!

- Нега эрта турдинг,- аёл оёғи остида ўралашаётган ўғлидан сўради,- Ана, даданг ёзиб қўйдила.

-Ур-ра!

Кувончдан боланинг қўзлари порлаб кетди. Дадасининг бўйнидан маҳкам қучди.

Ота сўнги маротаба ўғлини маҳкам бағрига босаётганди. Сўнги бор аёл турмуш ўртоғини узоқ сафарга, кузатаётган эди. Машина сўнги бор дарвозадан чиқди.

...Бир ойдан ошди. На машинадан, на Каримжондан, на ўйинчоқдан дарак бор. Ҳеч ким билмайди. Худди сувга отилган тошдек жим-жит. Оилада уч бола ҳар куни йўл пойлагани-пойлаган. Негадир дадалари келмаяпти.

## ОРЗУЛАРИ ОСМОНЧА

Каримжон оиланинг энг меҳнаткаш фарзанди эди. У рўзгор тебратишни жойига кўяр, ҳаммадан аввал уй-жойини тиклаганди. Бир оилага енгил машина зарурлигини акаларига у ўргатди. Эрта туриб, томорқасида терлаб-пишиб ишларди. “Кўл билан берганга қуш тўймас, пешона териники баракали бўлади” дерди ҳаммага. Бир ерда бекор туришни ёқтирмасди, қаерга борса ўзига яраша ишни топиб кетаверарди. Қишин-ёзин тиниб-тинчимасди. Ёзда атроф чеккалардаги қишлоқлардан хўл мева-чеваларни Катта шаҳарга олиб борар, қишда эса қуритилган мева борми, ёнғоқ борми бозори чаққон жойдан қолмасди. Шу боис ака-укалари уни “Тегирмондан тириқ чиқади” деб ҳазил-хузул қилиб қўйишарди.

- Уғирликдан ҳазар қиламан,- жавоб берарди бундай пайтларда Каримжон. -Қўлидан ишини олсанг, оғзидан ошини оласан. Тирикчиликнинг нима айби бор?!

Каримжон меҳнат қилишни фарзандларига ҳам ўргатмоқчи эди. Унинг орзулари осмонча эди.

- Қарагин, кечагина тўйимиз бўлганди,- деди кунларнинг бирида Каримжон хотинига,- ўғлингни бўйи чўзилиб, мўйлаби сабза уриб қолибди. Унга тайёргарлик кўрмасак, эл ўртасида уялиб қоламиз.

- Қизиқсиз-да, дадаси,- зрининг гапига эътироз билдирди Замира,- Анваржон ҳали мактабни битирсин. Ўқисин. Кейин бир гап бўлар.

- Боқибегамсан-да,- жонсараклик билан деди Каримжон,- ўқитишга ўқитамиз. Пул бўлди - кул бўлди! Бир парчадан латта-путталарингни сандиққа ташлаб кўявер, тўйда биров бергандек бўлиб қолади.

- Ҳали туғилмаган бузоққа қозиқ қоқманг,- деди Замира,- ҳозирги қизлар кияётган кўйлакликлар у пайтга бориб, модадан қолиб кетади.

- Бу гапинг ҳам тўғри,-хотиннинг фикрига қўшлади Каримжон,- бари бир ўқигансанда. Узоқни кўра оласан. Аммо яхши ният қилиш керак. “Яхши ният-ярим давлат”. Ўғилларни уйлантирамиз, қизни чиқарамиз. Келинли, куёвли бўламиз.

- Унгача ҳали неча қовун пишиғи бор!

- Яхши ният қилсак, ҳаммаси кўзни юмиб очгунча келиб қолади.

Каримжон ҳаётга ташна эди. Унинг бу дунёдан умидлари катта эди. У орзу-умидлари йўлида астойдил меҳнат қиларди. У ўша тонг тижоратчиларни Улгуржи бозорига олиб бормоқчи эди. Уларнинг бирини тоби қочибди. Иккинчисиникига кутилмаганда узоқ жойдан меҳмон келибди. Учинчиси эса бир ўзи Катта шаҳарга боришни хоҳламади. Каримжон кечгача кичик шаҳарчининг у еридан бу ерига одам ташиб юрди. Топгани ҳам шунга яраша бўлди.

- Майли, нолимади, - Каримжон, - бориға шукр.

Кеч тушиб кун ботаётганида жигарранг “Жигули” автомашинаси олдида ўрта бўйли, мускуллари бақувват қорачадан келган йигит пайдо бўлди. Бу роппа-роса эллик беш кун аввал бир болани отасидан жудо қилган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган навжувон аёлнинг бошига эрта бевалик балосини солган Икром эди.

Каримжон йигитга бошдан оёқ разм солди. Мижоз ва ҳайдовчи ўртасида қисқа тортишувдан сўнг, олти минг сўмга Каримжон Икромни уйига олиб борадиган ва яна ортга бирга қайтадиган бўлишди. Бу Каримжоннинг тасавурида шундай эди. Икромнинг ўй-ҳаёлларида эса...

Дарё кўприги ортда қолди. Машина манзилга, сўнги манзилга яқинлашган сари Каримжон қалбини аста-секинлик билан мусофирлик ҳис-туйғуси эгаллай бошлади. Икром эса борган сари дадиллашиб, ўзини анча эркин ҳис этаётгани.

- Тушунган киши экансиз, ака,-атайдан мақтай бошлади Икром ҳайдовчининг кўнглини хотиржам қилиш илинжида, - бошқа бир одам бўлганида мени ярим йўлда қолдириб, ўзи ортига қайтиб кетарди .

- Қиладиган ишимиз шу-да!

Улар ярим соатча йўл босишди. Машина Шўрқишлоқ кўчалари бўйлаб юра бошлади. Кўча анча тор, бунинг устига эгри-бугри. Икром ҳайдовчига қаерда бурилиш, қаерда юришни айтиб борди.

- Қойил, - ялтоқланди Икром - эски шофёрларни ҳам йўлда қолдириб кетаркансиз.

Машина икки қанотли дарвоза олдида тўхтади.

- Машинани бемалол ҳовли ичкарасига олиб кираверасиз.

- Сиз уйга кириб, бола-чақани кўринг, - деди Каримжон, - мен шу ерда сизни кутиб тураман.

- И-е! Бунақаси кетмайди,- астойдил ҳафа бўлди Икром, - кўчадан ўтган кишилар “Икром меҳмонни ташқарида қолдириб, ўзи уйида ўтирибди” дейди. Бизнинг қишлоқларда меҳмонни кўчада қолдирган кишилар гапга қолади.

Икром машинадан тезда тушди-да, Каримжоннинг сўзини ҳам тингламай, дарвозани ланг очди.

- Машина ташқарида тураверар.

- Ҳайданг, кўча-кўча, ҳоли-жонига қўймади Икром,- ҳовли, ҳовли-да!. Бир дам бўлса-да камбағалнинг мулки кўз ўнгида бўлгани маъқул, акажон. Кўча-кўйда шўх болалар машинангизга чизиб кетса, ҳижолатга қолмай.

- Бу гапингиз ҳам тўғри!

Каримжон машинани ҳовли ўртасигача ҳайдаб кирди. Одий қишлоқ хонадони... Бир тул ёнғоқнинг барглари сарғайиб қолган,

кузнинг шабадаси эсиб, қолган барглари ҳам битта-битта узиб учиряпти.

Каримжон қишлоқ кишиларининг соддалиги, беғуборлиги ва айна пайтда меҳмондўстлигини ҳурмат қиларди. Ана, оддий қишлоқ хонадонининг бекаси кўринди. У турмуш ўртоғига пешвоз чиқиб, қўлидан нарсаларини олди. Меҳмон билан қимтинибгина саломлашди-да, сўнг ичкарига жой ҳозирлашга кириб кетди.

Ишлар Икром режалаштиргандек, худди аввалдан ёзилган кино сценарийси бўйича кетяпти. Бироқ, негадир эси йўқ қизлар ўз ролларини эплай олишмаяпти. Ахир, улар дадаларини бир ойдан бери кўрганлари йўқ. Бундай пайтда “Ана дадамла келдила, дадажонимиз келдила” деб бўйнига осилиб олишмайдими?! Наҳотки, қизалоқлар дадаларини ҳар куни кўрганидек кутиб олса?! Уларнинг мушук болаларидек узоқдан, хурпайиб туришгани-чи?!

- Қани она қизим, - кучоғини очди Икром қизига.

Қизалоқ дадасининг бўйнидан кучди. Ота қизининг юзидан ютоқиб, тўйиб-тўйиб ўпди.

- Икромжон, - деди уларни кузатиб турган Каримжон, - келинга айтинг, ҳеч нарсага уринмасинлар. Шу ерга ўтира қоламиз.

- Ҳе, йў-ў ака, - меҳмоннавозлик қилди Икром, - бир баҳонаи сабаб билан бизнинг кулбага келиб қолибсиз. Кўчқор сўйиб чақирсак ҳам келмайсиз.

Мезбон қизчасини ерга қўйди. Кейин елкасида сочиқ, бир қўлида обдаста Каримжоннинг қўлига сув қўйди. Улар ичкари уйга киришди. Тўрға янги атлас кўрпача тўшаб қўйилганди.

- Ойиси, менга қаранг, - деди Икром хотинига. - Овқатни тезлатинг. Ортимизга қайтамыз.

Мастура зрининг мақсад-муддаосини англай олмади.

- Узр, ака, - деди мезбон. - Мен “қобра”нинг қулоғига бир-икки гапни айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Эр-хотин меҳмонни бир ўзини ичкарида қолдириб, ташқарига чиқишди.

- Ҳеч қаяққа бормаимиз, - даҳлизга чиққач, Икром хотинининг қулоғига пичирлади, - мен атайин гапни айлантиряпман. Сен тайёр тургин. Овқатни иложи борича шошилмай пиширавер. Тушундингми? Қизларингни тезда ухлатгин.

Икром меҳмон ҳузурига кириб, одоб билан унга салом берди.

- Зерикмай ўтирибсизми, - деди у бўш пиёлага қўлини чўзаркан.

Телевизор экранига Мексика кино ижодкорлари яратган сериалнинг навбатдаги қисми бўлаётганди.

- Шу кинонинг, - кўзлари экранга қадалди Икромнинг - охири нима билан тугар экан-а?

- Билмадим.

- Энди, ака, бу ёғи қишлоқчилик. Айбга буюрмайсиз. Келинингиз қишлоқи, содда. Унинг устига қўлида ёш боласи...

- Ҳечқиси йўқ, соддалиги яхши.

Эскидан “Бермаснинг оши пишмас” деган гап бор. Мастура овқатни кечиктириб дастурхонга қўйди. Бу пайтда киносериал тугаб, кўпчилик уйқуга ётганди. Меҳмон овқатдан бир-икки қошиқ олди-да, шошилаётганини айтиб, дастурхонга фотиҳа ўқилди ва ўрнидан қўзғалди.

- Ҳафа бўлмай кетасиз-да,-деди Мастура меҳмонга. - Овқатни анча кечиктириб юбордим.

- Раҳмат! Мана ҳўжайинингиз билан танишиб олдик. Бу хонадонда тузу намак бўлди. Бир маротаба туз ичган жойга, минг бора салом деган. Сизлар ҳам биз тарафларга бориб туринглар.

- Борамиз,-деди аёл мулойим оҳангда, - албатта, борамиз!

Каримжон даҳлизда туфлисини кийиш учун энгашган эди. Унинг томоғи қирилгандек бўлди. Кўз ўнги қоронгулашиб, ҳеч нарса кўринмай қолди. Бўйнидаги тросс-сиртмоқ сал бўшагандек эди. Унинг кўзлари хира бўлса-да кўра бошлади. Каримжон макр-ҳийла тўрига тушганлигини англади, бироқ у макр тўрини йиртиб ўтишга ожизлик қилаётганди. Унинг кўзига интизорлик билан кутаётган уч фарзанди, жуфти ҳалоли, онаси, бутун ака-укалари кўринди.

- И-лти-мос, м-ени ўл-дир-ма-нг-л-а-а-арр!

Каримжоннинг сўнги сўзи, илтимоси бўғзида қолди. Ёвузлашган Икром қўлидаги болға билан меҳмоннинг бошига туширди. Каримжоннинг орзулари осмонча эди. Энди ҳеч бирини амалга оширолмайди. Ақалли кичик ўғли Рустамбекка ўзи юрадиган ўйинчоқ-машина олиб беролмаслигидан ўкинди. Сўнги паллада кичкинтойининг жуссаси яна бир бор кўз ўнгида намоён бўлгач, кейин ўчди...

Икром иккинчи, учинчи зарбаларни яна-да кучлироқ, жон-жаҳди билан бергач, Каримжон шилқ этиб ерга йиқилди ва типирчилай-типирчилай жон таслим қилди. У оёқларини кериб, сўнги бор қон аралаш нафас чиқариб юборди. Ташқарида кимнингдир ити узоқ “ув-ув-ув” тортгач, бутун қишлоқни итларнинг ваҳимаси босиб кетди.

Эр-хотин майитдан бошларини кўтардилар. Пешоналарида пайдо бўлган харом терларни кафтлари билан сидирдилар. Елкаларидан тоғ ағдарилгандек энгил ҳис эдилар, ўзларини.

- Чўнтагида ҳеч вақоси йўқ,-деди Икром хотинига жонсиз тананинг у ёқ, бу ёғини ковлаштириб. - Кел, бўла қол! Тезда бир ёқли қилайлик! Оёқ томонидан кўтар!

Хотин эрининг буйруғига сўзсиз итоат қилди. Улар Каримжонни уйнинг орқасидаги аввалдан кавлаб қўйилган чуқурликка ташлашди. Юзини осмонга қаратиб ётқизишди. Шунда икки ой илгари кўмилган йигитнинг руҳи безовталанди.

## БЕХУДА УМР

Икромнинг бўйнига олахуржин тушди. У хотини билан алоҳида ҳовлида яшай бошлади. Ота-онаси бағрида яшаб, рўзгорнинг кам-кўсти билан иши бўлмаган ҳавойи йигит рўзгор тебратишга, болачақанинг ташвишига кўмилди.

Рўзгор-рўзгор-да! Ҳар куни бир камчилик чиқиб туради. Гоҳ ун топилмади. Баъзан туз, ёғ... Гуштни-ку айтмаса ҳам бўлади. Рўзгордаги етишмовчилик эр-хотиннинг муносабатига таъсир ўтказди. Улар тез-тез ўзаро жанжаллашадиган бўлишди. Хотиннинг жағи тинмайди. Эр эса кўлига эрк беради.

- Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилади,- насихат қилади қайнота куёви билан қизига. - Ахир, турмушнинг аччиқ-чучугига бардос беринглар-да. Секин-аста ҳаммаси ўрни-ўрнига тушиб кетади.

- Кўлида бир ҳунари йўқ,-арази тарқалмади Мастуранинг. - Бошқалардек далага чиқиб кетмон чопмайди.

- Сен эрингни камситмагин,-қизини жеркиб ташлади ота. - Эр-хотин - кўш хўкиз.Бозор тўла одам. Тирикчилигини ўтказяпти. Бир жойдан олиб, ўша нарсани иккинчи жойда қимматига сотяпти.

Қайнота шундай дейишга деди-ю, аммо тилини тишлади. Чўнқи куёви бирни икки, иккини тўрт қиладиган уддабуронлардан эмасди.

Икром, Мастура айтганидек, пишиқ-пухта эрлардан эмасди. Аммо эшакдек кучи бор. Ўша кучни меҳнатга сарфлашдан қўрқарди. На кўлида бир ҳунари, на тайинли бир касби бор эди. Яхшиям, бир вақтлар ҳунар-техника билим юртида ҳайдовчиликка ўқиб олган экан, бўлмаса, қуруқ савлатидан бошқа ҳеч вақоси бўлмасди, унинг.

Икромнинг ўқишга ўқуви йўқ, ўрта мактабда саккизинчи синфгача ўқиди. Кейин мактаб маъмурияти уни туман марказидаги ҳунар-техника билим юртига ўқишга юборди. Ҳунар-техника билим юртида ўқиш, ҳунар ўргатишдан кўра ишлатиш биринчи ўринда эди. Сентябрь ойидан то декабрь ойининг ўрталаригача билим юрти талабалари пахта-йиғим теримда бўлишар, қишнинг совуқ кунларида эса ўқув юртидаги дарслар номигагина ўтиларди. Кейин баҳор бошланади. Яна ўқувчилар ғўза яганаси ва бошқа юмушларни бажаришга жалб этилади. Билим юрти ўқитувчиси билан талаба ўртасидаги муносабат ҳам шунга яраша. Устоз шогирддан сигарета олиб тутатади. Талаба ўз домласини тут соясида вино ичишга таклиф этиб, улфатчиликни жойига қўяди. Винога алданган домла эртасига шогирдини даладан топа олмайди.

Икром уч йил ана шундай шароитда "ўқиди", "изланди", "одам" бўлди. Кейин тенгдошлари қаторида ҳарбий хизматга жўнади. Икки йиллик ҳарбий хизматни қурилиш батальонида ўтказди. Қишлоққа қайтгач, бирон жойга ишга киришни ўйламади, эртадан-кечгача

ичкари уйни қоронғу қилиб, ухлагани-ухлаган. У ҳудди бойўғлига ўхшаб кучага кечаси чиқарди. Қаерга боради, ким билан гаплашади. Унинг ўртоқлари ким? Бу ҳақда на отаси, на онаси сўраб-суриштиришарди. Икром ўз ҳолича кайф-сафо қилиб кун кечирарди.

Ўғил болани уйлаш, қиз болани эса тенги чиқса, турмушга узатиш - ота-онанинг бурчи. Икромнинг пешонасига ўз қишлоғидан қиз битмади. Онасининг тугуни кирмаган хонадон қолмади. Бир йил деганда кўшни тумандан оқлик олинди. Тўй қарз-ҳаволага ўтди. Бироқ, олинган қарзни узиш яна ота-онанинг чекига тушди. Шундай бўлса-да, бари-бир фарзанд, фарзанд-да! Ким ҳам ўз боласини ёмон дейди? Қайси падар ўз боласини ташлаб қўяди. Сассиқ деб бурнингизни кесиб ташламайсиз-ку? Қора кўнғиз ҳам ўз боласини оппоғим деган экан. Шундай қилиб, бутун оила ҳамкорликда, қишлоқ чеккасидан Икром учун бошпана қурди.

- Икромали,- деди уй битгач ота,- энди сен ҳам ўз аравангни ўзинг торт! Мен укаларингни уйлаб, жойлай.

Икром алоҳида яшаб, ўзига хон, кўланкаси майдон бўлиб, ота-онаси берган озиқ-овқатга бир ойча кун санади. Кейин бирин-кетин турмуш зарбаларига учрай бошлади. Ана энди хотини билан жанжаллашиб, қайнотасининг ҳузурда калтакесакдек боши ҳам ўтирибди.

- Икромали,- деди ва ниҳоят, қайнота, - сиз ҳафа бўлманг. Биламан, сизларнинг тижорат ишларига укувларингиз йўқ. Бунга кўзим етиб турибди. Аммо қиламан десангиз сизга яраша иш топилади.

- Қандай иш, дада!

- Утган куни бир ўртоғим, - деди қайнота қизига қараб, - сен уни танийсан. Маҳкам амакинг. Собиржон, машина минишга кўзим хиралашиб қолди. Бирор яқин кишинг бўлса, машинани ижарага бераман. Ижара ҳақини яхши тўласа, кейинчалик ўша кишига сотиб юборишим ҳам мумкин деганди. Шуни бир ўйлаб кўринг, ўғлим.

- Майли, майли,-шошиб қолди куёв.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Икром қайнотасининг ёрдамида ишли бўлди. Энди унинг тагида енгил машина... Эртадан-кечгача қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан қишлоққа одам ташийдиган бўлди.

“Кўрмаганнинг кўргани қурсин, кўр эшакка мингани қурсин”, деганларича бор. Икромнинг қўли пул кўрди. У пул санаган сари қулфи-дили очилиб, тили чиқди. У шу даражада ўз ишининг устаси фаранги бўлиб кетдики, узоқ йил шу соҳада ишлаб, сочи оқарган такис ҳайдовчилари “бай-бай, илоннинг ёғини ялаб олганми бу, одамларни аврашини қаранглар”, дейишдан нарига ўтишмасди.

Икром икки йилча ишлаб, ўзини анча тутиб, машинани номига ўтказди. Секин-аста эски чопонини унутиб, янги-янги қилиқлар чиқара бошлади. Шаҳарда енгил - оёқ аёллар билан танишиб, улар



билан вақтичоғлик қилишга ўтди. Ҳатто бирини ўзига эскичасига сўратиб ҳам олди. Энди у бир эмас, икки рўзгор ташвишида тинмас, янада кўпроқ ишлагиси келарди. Аммо пул дегани дарров кўпаявермасди.

Икром иложи борица пул топиш, тезда бойиб кетиш йўлларини йўларди. Шалдироқ машинасини кувиб ўтаётган "Нексия"ларга ҳасад кўзи билан боқиб кўяр, "Бир куни албатта, менинг ҳам тагимда шунақаси бўлади" деб хом ҳаёлларга бериларди. Ана шундай кунларнинг бирида Аббосни учратиб қолди. Уларнинг фикри бир ердан чиқди.

Аббос - Икромнинг дўсти. У қўшни қишлоқда яшар, ўхшатмаса учратмас деганларидек, пулга, бойликка ўчликда Икромдан қолишмасди. Ягона мақсад уларни яна-да жипслаштирди

- Ичимсан-да, -шам ёнди Аббоснинг, - мен ҳам шу ҳақда эртаю кеч калла қотираман. Уйлайвериб бошимда соч қолмади.

У бошини эгиб, сийраклашаётган сочига шаъма қилди.

- Овга чиқмаймизми?

- Қанақа ов, - елка қисди Аббос, - тушунтириброқ айт!

- Ҳозир нима кўп, менга ўхшаган киракаш кўп, - иршайди Икром, - ўшаларнинг бирини тунаймиз. Ўзини "гум" қилиб, машинасини эса майдалаб сотамиз.

- Э, бу жуда хавфли.

- Чумчукдан қўрққан тариқ экмайди. Олма пиш, оғзимга туш, деган билан иш битмайди.

- Тўғри, - тасдиқлади Аббос, - аммо қандай қилиб?

- Бунинг йўли шундай, -тушунтирди Икром, - биз худди узоққа бирон юмушга бормоқчи бўламиз. Бирор "Жигули" ҳайдовчисини лақиллатиб, бизникига бошлаб келамиз. Уйга олиб кириб, ғиппа бўйнидан бўғиб ўлдирамиз. Машинани эса майдалаб, майдалаб сотаверамиз.

- Келишдик.

- Орқага қайтган уч ҳарфми?

- Уч ҳарф бўлсин!

Аббос янги иш режасини тузиш мақсадида биргаликда Икромнинг уйига дам олишга боришга қарор қилди. Йўлда видеомагнитофонни ижарага берувчи дўкончалар олди-да тўхташди.


- Ака, бир ҳафтага олмоқчимиз, -деди Аббос.

- Бемалол.

Аббос паспорти ва ижара ҳақини дўкондорга узатди.

\* \* \*

Экрандаги манзаралар Мастурани ҳам безътибор қолдирмади. Фильм қаҳрамони қатор такси ҳайдовчиларига яқин борди. У чеккада ҳаёл суриб ўтирган машина эгаси билан суҳбатлашди.



Машина мижоз айтган йўл бўйлаб олиб боряпти. Шаҳар кўчалари ортда қолиб, кимсасиз равон йўллар бошланди. Шу пайт қаҳрамон шимининг орқасига қистириб олган тросс-сиртмоқни ҳайдовчининг бўйнидан ўтказиб торта бошлайди. Машина катта йўлнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ўтиб, йўл чеккасига тўхтайтиди. Қаҳрамон қўйнидан иккинчи қурол-болтачани олади. Ўткир тиг ҳайдовчининг бошига икки-уч бор тушади.

- Эътибор бердингми?-сўрайди ширакайф Икром.

- Нимасини айтасан.

Мастура даставвал экрандаги воқеалар ривожига кўника олмади. Бора-бора у ҳам кинога қизиқиб қолди.

Икромнинг галдаги вазифаси иш қуроли ясаб олиш эди. У троссдан сиртмоқ, трубадан махсус тўқмоқ тайёрлашга киришди.

## ОЧИЛМАГАН БАХТ

Бахтиёрнинг хотиндан бахти очилмади. Биринчи турмуши узоққа чўзилмади. Иккинчиси иккинчиси-да. Хотини арзимаган баҳона топиб жанжаллашгани-жанжаллашган. Тожихон холанинг "Ҳой-ҳойига" қулоқ солмасдан тез-тез отасиникига тугун-тўқмоқини кўтаргани-кўтарган. Бу гал эса бира тўласига бутун кўч-кўронини юк машинасига жойлаб кетиб қолди.

- Майли, буви, - деди тушқин кайфиятда Бахтиёр, - кирақалигимдан ор қилаётган экан. Бошқа бирон тузукроғини топиб олар.

- Пешонамга ўзи яхши келин битмаган экан,-кўз ёши қилди Тожихон хола,- менинг ҳам ҳаётда не-не орзуларим бор, ўғлим. Набираларимга тўй қилиб, юртга дастурхон ёзгим келади. Майли, болам, олтин бошинг омон бўлсин! Пул топмасанг ҳам олдимда ўтиргин. Шунинг ўзи менга қатта бойлик!

- Бувижон, нималар деяпсиз,-онасининг фикрига қўшилмади йигит,- мен ишламасам ким ишлайди. Опа-сингилларимнинг қўлига қараймизми? Биргина акамнинг топган-тутгани ўзининг рўзгорига зўрга етаетти. Катта хонадондан, айниқса, қизлар умидвор бўлишади. Опаларим, сингилларимга дадамнинг йўқлигини билдирмаслик учун мен меҳнат қилишим керак-да!

- Онанг айлансин, болам,-дея кўз ёши тўкишда давом этди онаизор,-ишлаганинг яхши. Аммо кўчага чиқиб, то уйга келгунингча ҳавотир олиб йўл пойлайман-да!

-Буви,- ўғил чўнтагидан кеча ишлаб топган пулларни чиқаркан,- мана буни олиб қўйинг...

- Қўй, ўғлим,-деди она ўғлининг қўлини қайтариб,- кўчада юрасан, йигит кишининг чўнтаги қуруқ бўлмаслиги керак.

- Мендан ташвиш чекманг, - деди ўғил онасига, - ўзингиз айтардингиз-ку "йигит кишининг ризқи кўчага сочилган бўлади" деб. Сиз уйда ўтирасиз. Қуруқ ноннинг ўзи қориннинг очиққан жойига бормайди. Бу пулга гўшт олинглар.

- Сардор, - Бахтиёр катта опасининг ўғлини чақирди, - бувинг гўштга пул беради. Сен тез-тез бувижонингдан хабар олиб тургин, хўпми?

- Хўп!

Она бари-бир она-да. Ўғлининг раҳмдиллиги, меҳрибонлигидан кўнгли тўлишиб, кўзига жиққа ёш келди.

- Нега ундай деяпсан, - кўз ёшларини рўмолининг учига артиб-суртди, - ахир, сен ҳам борсан-ку?

- Мен ҳам борман, - деди ўғил, - Сардорга тайинласам нима бўпти.

У шундай дея қип-қизил оловдек товланаётган "Жигули" зшигини очди. Машина - бутун оилага отадан қолган мерослардан бири. Бахтиёрнинг дадаси туман ички ишлар бўлимида участка нозири бўлиб ишлаган. Бутун умрини аҳолининг тинчлик, фаровонлигига сарфлаган ота, нафақат фарзандлар, балки бутун қишлоқ аҳолиси учун ибратли умр кечирганлардан эди. Мукофотга берилган, энди эса қадрли отадан ёдгорлик бўлиб қолган "Жугули" оиланинг қийин кунларига қор келяпти. Олдинда эса бу оилани оғир ташвиш, катта бир йўқотиш кутаётганди. Бундан на онаизор, на опа-сингиллар, ва на Бахтиёрнинг ўзи бохабар эди.

- Шу бугун ишга бормай кўя қол, - илтижо қилди она фарзандидан.

- Эрта қайтяпман-ку, - ўғил онасининг сўнги илтимосини ҳам ерда қолдирди, - кеча ҳам соат ўн иккиларда келгандим.

Бахтиёр баъзи бировларга ўхшаб эртадан-кечгача у шаҳардан бу шаҳарга йўловчи ташимас, кунига уч-тўрт соат, кечки пайт ишлаб кўярди, холос. Ана шу муддат таҳликали ўтарди. Негаки, йўловчиларнинг аксарияти кайфу-сафога берилган кишилар эди. Кимдир маст ҳолда машинадан жой олади, кўнгилхушлик қилиш учун биронта маъшуқа излашга тушади. Яна бошқаси наша-паша чекиб, шаҳарнинг у бурчагидан бу бурчагига изгигани-изгиган. Улар кимлигидан қатъий назар, эҳтиёткорлик билан муомалада бўлиш лозим.

## БИРИНЧИ ҚОТИДЛИК

Икромнинг таклифи анча қалтис, лекин шундай бўлса-да Аббос унга қўшилди. Режалаштирилган ишни амалга оширишга келганида эса негадир кўрқоқлик қилдими ёки "бундай иш фақат кинолардагина бўлади" деган хаёлларга бордим, ҳар қалай "иш"га чиқмади.

- Сенсиз ҳам ўзим эплайман,- деди Икром қатъий - йигит кишининг лафзи битта. Пешонамдан кўрдим. Ортга қайтиш йўқ.

Икром машинасини шаҳардаги автосақлаш майдонларининг бирида қолдирди. Дадиллик учун юз грамм ароқдан отиб олди. Кейин пиёда шаҳар кеза бошлади. Унинг эътиборини қип-қизил рангдаги "Жигули" тортди. Машина рулида ўзидан уч-тўрт ёш кичик ҳайдовчи мижоз кутяпти.

- Янги бозоргача олиб бормайсизми?- сўради ҳайдовчидан Икром.  
- Утиринг.

Кўҳна шаҳарнинг Чорсуси... Айланма йўлдаги транспорт бири-биридан ўтиб, ҳаракатланишда давом этади. Машина доира шаклидаги йўлдан чиқиб, айтилган манзил йўлига тушиб олди.

- Таксилар олдида тўхтайсиз, - деди мижоз кейин ўз мақсадини тушунтира бошлади. - Биронта таниш киракаш бўлса, кўрғонга бориб келаман.

- Таниш ахтариб ўтирасизми,- деди ҳайдовчи очиқкўнглик билан,- ўзим олиб бориб, яна қайтариб келавераман.

- Ука, мен ҳам худди сизга ўхшаган киракашман,- деди Икром. - Кеча машинани ремонтга ташлаган эдим. Бугун кўрғонга боришга тўғри келиб қолди. Сал келиштириб, йўлида айтинг. Майли десангиз, икки минг беш юз бераман.

Ҳайдовчи рози бўлди. Кўҳна шаҳарнинг сершовқин кўчалари ортда қолиб, машина икки томонлама ҳаракатланаётган катта-кичик транспортлар қаторига қўшилди. Бахтиёр болалиги ўтган катта асфальт йўлдан сўнги бор машинасини ҳайдаб, ўз қотили Икромга хизмат қилаётган эди.

- Йўлнинг чап томонидаги икки туп мажнунтолни кўряпсизми,- деди у Икромга, - ўша толларни дадам раҳматли экканлар.

- Шу ерданмисиз,- деди Икром мажнунтолларга назар ташлаб,- яхши одам эканлар-да!

- Бўлмасам-чи, - Бахтиёр кўнглидагини яширмади, - бутун умр халқ хизматида юрганлар. Бир пиёладан чой ичсақ-чи?!

- Майли,- деди Икром, - аммо ҳозир эмас. Бошқа бир куни...

Икромнинг кўрғонда ҳеч қанақа таниши йўқ. У атайин кунни кеч қилиш учун Бахтиёрни ўша томонга олиб кетаётганди. Ҳайдовчининг кўнгли ғаш, кимдандир хафа. Буни сезган мижоз унинг кўнглига қўл солди.

- Кечирасиз, кимдандир хафа кўринасиз, ука!

- Сезибсиз,- деди Бахтиёр,- келинчак аразлаб уйига кетиб қолганди. Шунга бир оз сиқилиб турибман.

- Шунга шу-унчами?

- Мен-ку кўчадаман,- деди ҳайдовчи,- аммо онам бечорага қийин бўлди. Қариганларида ташвиш ортаётганидан эзиляпман-да, ака!

- Тўғри, нимасини айтасиз. Қариларга осон тутиб бўлмайди.

Уларнинг дуоларини олиш керак. Аммо буни кўпинча хотин зотига тушунтириш қийин. Яқинда бир ўқимишли ўртоғимдан эшитиб қолдим. Рус ёзувчисининг китобида ўқиган экан. Бунақа гапларни зиёлилардан эшитмасак қаёқдан биламиз. Уша китобда хотинлар ҳақида зўр гапни ёзган. Мана сиз ҳам билиб олинг. Хотинлар мисоли отга ўхшармиш. Отни қамчиламасанг, юрмайди.

Бахтиёр жилмайди.

- Оббо, сиз-ей,- деди сўнгра,- ўқимаган бўлсангиз ҳам кўп нарсани билар экансиз!

- Ука, ишимиз халқ орасида. Битта-битта бўлиб йиғилиб қолади-да.

Улар кўрғонга етиб, катта чорраҳа яқинида тўхташди. Икром машинадан тушиб, катта дўконларнинг бирига кириб чиқди.

- Мен айтган одам йўқ экан, - афсус чекди у,- кечроқ бўлармиш. Унгача уйга бориб келсак, нима дейсиз?

- Майли.

Машина ортга қайтди.

Йўлнинг чап тарафида шаҳардан қишлоққа қайтаётган велосипедли кишилар... Иш вақти тугаб, уйларига, болалари ҳузурига ошиқаётган одамлар саф-саф бўлиб олишган. Бахтиёрнинг эса уйида онасидан бошқа биронта кутадигани йўқ. На хотини бор, на фарзанди ...

Кўҳна шаҳарга етганида Икром қассобхонадан бир кило гўшт, икки шиша ароқ ва майда-чуйда харид қилди.

- Биз эркакларга ҳам осон эмас, - гапга тушди Икром,- кундузи билан орқамиз арчилиб, оилани, бола-чақа деб ишлаймиз. уйдаги "қобра" захарини сочиб кутиб олади.

Бу сафар отилган ўқ нишонга аниқ тегди. Бахтиёрнинг қалб яраси янгиланди.

- Бирини олиб, - дарди - ҳасратини дастурхон қила бошлади хайдовчи,- иккинчини қўявергани, биринчидан, ака, чўнтак кўтармайди. Иккинчидан, эл-халқ орасида номусни ҳам сақлаш керак. Саккизта опа-сингилим бор. Худога шукр, улар ўз турмушлари билан тинч-тотув яшашади. Мен эса... Поччаларимдан уялиб ҳам кетаман.

Бахтиёр Икромнинг домига шу тарзда тушиб қолганди. У макр-хийланинг тубига борган сари чўкиб бораётганди.

Машина Шўрқишлоққа яқинлашган сари Икромнинг юраги тез-тез ура бошлади. Худди кўрагини ёриб, юборадиган даражада дукиллаётганди. Қўл-оёқларида куч қолмаётган бўлса-да, буни ёнидагига сездирмасликка тиришди.

Ҳайдовчи эса машинани мижоз кўрсатган йўлда ҳайдашда давом этар, ўзини анча хотиржам тутарди.

Машина ўйдим-чуқур йўллардан силкина-силкина қишлоқнинг чекка хонадонига яқинлашганида тўхтади.

- Ҳе, йўқ, укажон,- қаътий нарози бўлди Икром,- сиз бу ерда, мен эса уйда. Бунақаси кетмайди.

Бахтиёр иложсиз аҳволга тушиб, машинани мезбоннинг дарвозаси тагигача ҳайдаб борди.

- Буёғига ўзингиз ҳайдайверинг, ака.

Икром машинага ўтиргач, сигналини чалди. Орадан икки-уч дақиқа вақт ўтиб, қўшқанотли дарвозани ўттиз ёшлар чамасидаги кўхликкина аёл очди. Бу хонадон бекаси Мастура эди.

Эрининг ҳеч кутилмаганда нотаниш машина миниб қайтганига ақли етмаётган хотин, оғзини очган кўйи жойида қотиб қолди.

- Амманнинг бузоғидек нега тикилиб қолдинг? - Икром хотинига ҳазил қилди, сўнгра қўлидаги нон ва гўштни тутқазди, - уйга меҳмон келишини кўрмаганмисан?

- Вой, ўлай,- юзи лоладек қизарди Мастуранинг,- хуш келибсиз!

- Шунақасиз-да, онажониси. Бу киши - Бахтиёр. Сизнинг юртингиздан. Бир қўлбола димлама тайёрлаб беринг-чи!

- Хўп, бўлади.

- Ҳа, айтгандек, Аббос келмадими?

- Келмади. Нима эди?

- Ана кўрдингизми,- гапни бу ёғига буриб юборди Икром, - биз уни қидириб кўргангача бордик. Уйингизга бораман, деганди. Яна йўқ. Нима қилиш керак бу одамларни?!

Икромнинг бутун вужудини кўрқув ва ҳаяжон эгаллай бошлади. Чунки у ҳали жиноятга қўл урмаган шу боис титрай-титрай кўрпача остидаги ароқнинг бирини очди. Икки пиёлага тўлатиб қуйди. Бирини меҳмонга узатди. Бироқ, Бахтиёр рулим бор, дегандек икки қўли билан ишора қилди. Мезбоннинг бир ўзи ароқни симирди. Ичимлик дарров кучини кўрсатди. Ҳаяжон ва кўрқув тумандек тарқалди.

- Ука,- деди Икром анча ўзини тутиб олгач, - энди айбга буюрмайсиз-да.

- Нега энди, ҳеч ҳижолат бўлмаг.

- Овқат пишгунча бир оз вақтингизни оламан.

- Майли.

Икром яна Бахтиёрнинг нозик жойини қитиқлай бошлади.

- Хотин киши ўзи шунақа бўлади,- деди у. - Янгангиз ҳам бир-икки аразлаган. Турмушда оғир-енгил воқеалар бўлиб туради. Хотин кишини иложи борича орқасини силаш керак. Улар мушук-мижоз! Қанча кўп силасангиз, шунча яхши.

Меҳмоннинг кўнгли бузилди. Икки мартаба уйланиб, ҳеч қайсига ачиқ-тирсик гап айтмаганди. Уларнинг ихтиёрига қараб муомала қиларди. Лекин шундай бўлса-да унинг хотинлари аразлаб кетиб қолаверди? Мана, аёллар эрининг кўчадан қандай кайфиятда кириб келишини кўриб ўтирибди. Ёстикдошининг айтгани-айтган, дегани-

деган. Нега шундай қизлар пешонасига битмади? Икки марта уйланди. Иккиси ҳам араз-димоғда бир-бирларидан қолишмади. Ана шу ўй-фикрлар Бахтиёрнинг миясига чирмовик ўтдек маҳкам ёпишиб олди.

- Бахтиёржон,- деди анча дадиллашиб олган Икром,- парво қилманг, мен сизга онаси ўпмаган зўр қизлардан топиб бераман. Кўпам сиқилаверманг. Сиз менинг хонадонимга биринчи бор келиб турибсиз. Илтимос, шу фақир хонадонга тилакларингизни айтиб юборсангиз?

Бахтиёр мезбонни кўп кистатиб ўтирмади. Қўлига пиёлани олиб, қадаҳ сўзини айтди.

Улар пиёлаларни бир-бирига уриштиришди.

- Қани энди оқлаб қўйинг,- деди Икром.

Бахтиёр ароқни бир кўтаришда охиригача ичиб юборди.

Оч қоринга ичилган ароқ, Бахтиёрни ўз оғушига тортди. У бугунги мижозидан хурсанд эди. Дунёда шундай яхши одамлар, шундай аҳил оилалар ҳам борлиги уни тўлқинлантириб юборганди.

- Бахтиёржон, сиз бемалол ўтириб туринг. Мен ҳозир - а!

Икром чойнакни кўтариб, ошхонада куймаланаётган хотини тарафга қараб кетди. Бахтиёр ўзини мезбон айтгандек эркин ҳис қилаётганди. Шу боис шишадаги ароқдан бир пиёла қўйиб ичгиси, қалбини тирнаётган дардидан қутилгиси келди. Оғу йигитнинг дардига томомила шерик бўлаётганди.

Икром овқат пишираётган хотинига яқинлашиб, орқа олдига бир қараб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

- Анови йигитни,- кўзлари ола-кула бўлди Икромнинг,- шу бугуннинг ўзида ўлдирамиз!

Мастура қулоқларига ишонмади. Эри ҳазиллашяпти, деса юзида кулгудан асар ҳам йўқ. Қўрқувдан қўл-оёқлари қалтираб кетди.

- Иложи борича, ҳамма кучимни ишлатиб, уни ўлдираман. Сен менга ёрдам берасан, тайёр тургин. Йўқ десанг, бошингни танангдан жудо қиламан.

Жувон қўрқувдан дағ-дағ титрар, эрининг измидан чиқишни ҳам, унинг йўлига юришни ҳам билмай карахт ҳолда қолди.

- Сен тез-тез бизнинг чой-пойимиздан хабар олиб тургин, тайинлади Икром, - меҳмон йигитга бир-икки ноз-қарашма қилсанг ҳам майли. Барибир уни ўлдирамиз-ку!

Хотин эри айтганидек меҳмоннинг чой-пойидан тез-тез хабар олиб, ундан илиқ сўзини аямас эди. Бахтиёр тамоман ўзини мезбонлар ихтиёрига топшириб, хушчақчақ ўтирарди. Шишадаги оғу унинг ақл-хушини тобора олаётганди.

- Б-у-г-у-н, б-у-г-у-н-н, кайфи ошганди Бахтиёрнинг,- м-е-е-е-нн, уч-уч-ун ун-унут-ил-мас, к-уун б-ў-л-л-л-ди!

- Ҳаммамизга унутилмас кун бўлади.

Ҳайдовчининг сафари қариганди. У сўридан зўрға тушиб, энгашиб, тебранганча туфлисини кияётган эди, бирдан томоғи қирилгандек бўлди. Нафас олиши қийинлашди. Кўз олдини туман босди. Ҳеч нарса кўринмай қолди.

Вазият ўйлаб ўтирадиган даражада эмасди. Эр-хотин чалажон Бахтиёрнинг оғзини маҳкам кафтлари билан беркитиб, уни ичкари уйга судрай бошлашди. Икром яна тросс-сиртмоқни йигитнинг бўйнига солиб, уни бор кучи билан тортди. Мастура эса типирчилаётган кишининг оёқларига ялпайиб ўтирди. Йигит бир неча муддат силтана-силтана жон таслим қилди.

Уйга совуқ сукунат чўмди.

- Нималар қилиб қўйдингиз, -йиглай бошлади жувон.

Икром нима иш қилганига ақл-фаросати етиб турганди. Шу боис хотинини сўкиб берди.

- Товушингни чиқарма, - деди у хотинига, кейин Бахтиёрнинг чўнтақларини ковлаб қоқиштирди. Майитнинг чўнтагидан бор-йўғи олти юз сўм пул чиқди.

Мастура хонада туришга ортиқ чидай олмади. У оғзини икки кафти билан тўсиб, ташқарига чопиб чиқди. Катга ёнғоқ остига қусиб юборди. Вақт эса ўтиб бораётганди. Икром хотинини кўлидан етаклаб, ичкари уйга тортди. Хотин иложсиз эрининг ортидан боришга мажбур эди.

Эр-хотин Бахтиёрнинг совиб бораётган танасини девор остидаги чуқуриikka олиб боришди. Қотиллар из қолдирмаслик учун гўзапоя қолдиқларидан, ҳас-ҳашаклардан янги уюлган тупроқ устига сепиб қўйишди. Кейин Икром ҳовли ўртасидаги сўрига борди-да, қўлининг чангларини қоқиб, шиша тагидаги ароқни пиёлага қуйиб, бир кўтаришда ичиб юборди. Мастура юз-қўлларини, оғизларини ҳар қанча сув билан чайқаб ювмасин кўнгли ўқчийверди.

- Сен уйга кириб ухла,-деди эр хотинига ва ўзи "ўлжа" нинг орқа ва олд давлат рақамларини ечишга киришди.

Мастура ҳар қанча уринмасин кўзига уйқу келмади. Туни билан мижога қоқмади. Тўгриси, ухлаб қолишдан кўрқди. Ҳаёли ҳовли ўртасида ишлаётган эрида. Назарида Икром барча ишларини ташлайди-ю, хотинини гиппа бўғади. Ҳатто ўртадаги болаларини ҳам уйламайди. Ҳамманинг жони ўзига ширин-да!

Мастуранинг кўзи деворга қоқилган миҳдаги тросс-сиртмоққа тушди. Бутун жони ҳалқумига келиб, юраги дуккилади. Ўрнидан туриб, эрининг олдига оҳиста борди. У ўз иши билан машғул, "Жигули"ни майда-майда бўлақларга ажратаётганди.

Тонгни эр-хотин ухламай бирга қаршилади. Икром мой қўлларини совунлаб ювди.

- Мен Аббосни айтиб келаман,-деди у. - Сен дарвозани ичкаридан тамбалаб ол! Ҳеч кимга очма! Ҳеч кимни киритма!



\* \* \*

Аббос ярим майдаланган “Жигули” олдида дайди итдек тимирскиланди.

- Қойил, Икром, қойил,-деди у, сўнг паст товушда, - эгаси қани?!

Икром девор остини кўзи билан ишора қилиб кўрсатди. Аббос у ерга яқин боролмади. Юраги бетламади. Узоқдан туриб, гўзапола чиқиндилари сепилган жойни кўриб, ортга қайтди.

Вақт зиқ. Кечгача қўлга киритилган машина бўлаклаб ташланиши шарт эди. Учинчи кун Аббос машинанинг эҳтиёт қисмларини темир-терсак бозорига олиб чиқиб сотди. Савдодан тушган пулнинг шираси Икромга тегишли. Бу эса Аббоснинг ич-этини кемираётганди.

Чунки у фақат қўлга киритилган машиналарни бўлақларга ажратар, бозорга олиб чиқиб сотишда иштирок этарди, холос. Хизмат ҳақи ҳам шунга яраша эди.

## КЕТАМАН

Маҳалла чойхонасидан қўшиқ янграяпти. Дилни эзувчи, кўнгилни олис - олисларга элтувчи оҳанг...

*Кетаман бу ердан бош олиб, \**

*Мажнунни сийлаган саҳрога.*

*Кетаман кўзимга ёш олиб,*

*Юлдузлар ватани самога...*

Куй, ширали овоз узоқ-узоқларга таралади. Уни ҳеч ким безътибор тингламайди. Ҳофиз боланинг ўзи эса “онасини йиғлатиб, борса келмасдан ҳам йироққа” кетганди.

Кўшиқ мухлислари ҳофизнинг, бевақт вафоти ҳақида қайғурар, хамманинг оғзида шу гап эди. Йигит ёлғиз онасини ташлаб, юлдузлар ватани самога учиб кетдими? Ҳарсангга бойланиб, туби йўқ уммонга чўкдими? ҳофиз йигитнинг ўлими кўпчиликни қайғуга солганди.

Эҳ, болам, болагинам-а! Овозингдан айланай, болажоним! Ахир бир кўшигингда “Онамнинг дуоси мени асрайди” деган эдинг-ку? Оналарнинг дуоси фарзандларига қувват ва қанот бўлади-ку?! Сенинг онанг бу дунёга энди қандай сиғади?

Кўшиқ Тожиҳон ҳолани сел қилиб юборди. У кенг ҳовлида бир ўзи қолиб кетди. Прокуратурага ариза берганига икки ойдан ошди. Бироқ на ўғли Бахтиёрдан, на машинадан хабар бор. Ҳаёл унинг кўнглини ҳар томонга олиб қочади. Ёмонларнинг қўлига тушдими ёки “соқол кўйган”ларга алдандими? Ҳайҳотдек ҳовли онага торлик қилади, кўчага чиқади. Катта кўча тўла машина. Бир зум тинмайди.

---

\*Абдулазиз Иброҳимов шеъри.

Тонг саҳардан ярим тунгача у ёқдан бу ёққа қатнагани-қатнаган. Қани ўшаларнинг бири шундоқ дарвоза олдида тўхтаса, сигналини чалса... Йўқ. Темир одамдан азиз эмас. Ўғлининг ўзи куруқ бўй-бастини кўрсатса, бас! Онага шунинг ўзи етади. Қолгани ортиқча. Катта кўчадан сон-саноқсиз енгил машиналар пайдар-пай ўтади. Аммо биронтасидан Тожихон холанинг ўғли Бахтиёржон тушиб қолмайди. Мана шуниси онаизорни ўкситади. Дунё унинг кўзига тор кўринди. У яна ўғлининг киндик қони тўкилган ҳовлига қараб юра бошлади. Кўча дарвозасидан беш-олти қадам узоқлашганида орқадан кимнингдир чақиргани қулоғига чалингандек бўлди. Она тик жойида овозни тинглади. Бояги товуш яна такрорланди. Кампирнинг юраги бирдан тез ура бошлади.

Дарвозанинг нариги томонида уч нафар нотаниш йигит бўй кўрсатиб, онага салом берди.

- Вой бўйларингга қоқиндик,-деди Тожихон хола йигитларга,- уйга киринглар.

Йигитлар бир-бирларига маъноли тикилиб олишди. Кейин дарвоза хатлаб онанинг ортидан эргашишди. "Меҳмон"ларнинг бири бундан икки ойча илгари шу хонадонга таклиф этилган, "зарур юмуш" туфайли ташрифни кечиктирган Иқром. Иккинчиси эса Бахтиёр миниб кетган машинани майда-майда бўлақларга ажратиб, эҳтиёт қисмларини Темир бозорида пуллаб юборган Аббос, учинчиси ҳали жиноят кўчасига кириб улгурмаган Шерзод эди.

- Вой, айланай сизлардан, - ҳеч нарсадан беҳабар она "меҳмон" йигитларга пой-патак бўлди, - қани, сўрига кўрпачага тузукрок ўтириб олинглар.

"Меҳмон"лар сўрига тўшалган кўрпачадан жой олгач, кампир қўлини дуога очди.

- Илоё, омин,-деди у қадоқ қўлларини юзига яқин олиб, - қадам етди бало етмасин, Оллоҳ-у Акбар!

Йигитлар ҳам қўлларини юзларига тортишди.

- Холажон,-деди йигитларнинг мўйлов қўйгани,- биз тезда қайтамыз. Бахтиёрда зарур ишимиз бор эди.

Онанинг кўнгли бирдан уммон тўлқинидек тўлиб-тошди. Кўзида беихтиёр ёш қалқиди.

- Сизларнинг ҳабарларинг йўқми? - сўради у.

- Йўқ... Нима гап? Тинчликми?

- Роппа-роса икки ой-у саккиз кун бўлди, болаларим. Бахтиёржондан ҳеч қандай хат-хабар йўқ. Дом-дараксиз кетганича қайтиб келмади.

Оналар йиғламасин. Оналар йиғласа, дунё йиғлайди. Тожихон хола бутун қалб ярасини янгилаб олди. У шундай қилса, қаршисида

ўтирган йигитлар унинг дардига малҳам бўладигандек, уларга бор арз-додини айтиб йиғлади. “Меҳмон”лардан иккиси ўнғайсизлана бошлади. Улар Тожихон холадан кўзини олиб қочар, бошларини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа буриб, онанинг “оҳ-фарёди”ни тинглашдан ўзга чоралари қолмаганди.

- Шошилиб қаёққа борасизлар,- деди онаизор “меҳмон”ларга, - Бир пиёладан чой ичиб турганларингизда, бир пасда ош ҳам пишарди.

- Бахтиёржон келсин,- деди мўйловли йигит, - ўшанда меҳмон бўламиз.

- Илоё, айтганларингиз келсин,- деди Тожихон хола, - шошилганда сўраш ёдимдан кўтарилибди. Кимсизлар, қаердан келдиларингиз? Ўғлим келиб қолса, нима деп қўяй.

- Ўртоқлари бўламиз,- жавоб берди Аббос,- бирга киракашлик қилардик.

Онанинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Ўғли эртагаёқ кўчадан кириб келадигандек хурсанд бўлди. Одамнинг дардини одам олади-да. Мана ўғлининг ортидан истовчилар ҳам бор экан. Улар Бахтиёржоннинг исзиз кетганидан беҳабар қидириб келишибди. Афсус, ўғли уйда йўқ-да. Бўлганида бу йигитларни қўйиб юбормас, девзирага ош дамлаб меҳмон қиларди.

Тожихон хола Бахтиёрнинг “ўртоқлари”ни кўздан узоқлашгунларича кўча дарвозаси олди-да кузатиб қолди.

Икром машинасини маҳалла чойхонаси олдида қолдирганди. У машина калитини бураётиб:

- Қалай бўлди,- деди.

- Кампирнинг гапига қараганда, - айёрона илжайди Аббос,- боласини “қора соқоллар”га қўшилиб, Афғонистонга ўтиб кетган деган гумонлари ҳам йўқ эмас. Қидирув бўлимидагилар: “Ўғлингиз намоз ўқирмиди? “Ҳизбут-таҳрир”чилар билан алоқаси бормиди” дейишибди-ку?

- Кўрдингми ишнинг юришганини, - Аббоснинг фикрини давом эттирди Икром, - ўйчи ўйини сургунча таваккалчи ишини битирибди.

Маҳалла чойхонасидан таралаётган ёқимли куй-қўшиқ юракларни ўртаб, эзади.

***Кетаман барибир, кетаман,  
Шу менинг энг сўнги қарорим.  
Севмасанг суйкалиб нетаман,  
Алвидо, суюкли дилдорим!***

Қўшиқ мухлислар қалбини забт этган. Аллақачон халқнинг ўлмас мулки-меросига айланганди. Ҳофизнинг ширали овозидан Икром ва унинг шериклари ҳам баҳраманд бўлаётганди.

\*\*\*

- Хўжайиннинг кайфияти чатоқ.
- Уйда пул тугаб бораяпти,- жавоб берди аёл.

Аббос шеригидан жуда кўрқиб қолган, ундан бир гап сўрагани юраги бетламасди. Кишида тоғни урса талқон қилгудек куч бўлиши мумкин. Аммо ўша кучни кўрсатиш учун юрак ҳам керак-да?! Икромнинг юраги отнинг калласидек эди. Энди унга одам ўлдириш, бировнинг жонига қасд қилиш ҳавода учиб юрган чивинни тутиб эзишдек гап. Буни Аббос ҳам, Мастура ҳам жуда яхши биларди.

- Аббос,-деди Икром жавоб кутмай,- кетмонни ол!

Улар девор остига қараб юра бошлади. Аббос кетмонни кўтарганича унинг ортидан эргашди. Икром девор остидан узунлигига икки, знига катта бир қадам ташлаб ўлчади. Кейин Аббоснинг қўлидаги белкуракни олиб, ўлчанган жойни. чизиб, чегаралади.

- Бу жой кимга аталган?
- Сенга, - жавоб қайтарди Икром.

Аббоснинг бошидан кимдир бир челақ муздек сувни қуйгандек бўлди. Бутун вужудини кўрқув эгаллади. Қўл-оёқларидан куч кетиб, кетмон дастасини ушлаган қўллари титрай бошлади. Икром ер остидан Аббосни кузатди.

- Ҳазиллашдим, ошна, - деди ва қўшиб қўйди, - кемага тушганнинг жони бир!

Аббоснинг пешонасидан совуқ тер оқиб тушди.

## УЧИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Куз. Ноябрьнинг иккинчи куни. Ғарб тарафдан эсаётган шамолнинг эпкини ҳайбатли чинорларидан тўкилаётган барглари ҳар томонга учирайди. Икром шаҳарнинг бир-бирига туташган кўчаларида одам қулочи етмайдиган дарахтлар орасидан юриб, маданият ва истироҳат боғининг дарвозаси олдига бориб қолди. Боғ ўртасига ўрнатилган салобатли ҳайкални узоқдан туриб томоша қиларкан, бир кўнгли уни яқинроқдан кўргиси ҳам келди. Бироқ бундан ҳам муҳимроқ иш Икромнинг қадамларини беихтиёр бошқа тарафга тортиб кетди. У театр биноси олдидан ўтиб, шаҳар марказида - деҳқон бозори томон юра бошлади.

Унинг икки кўзи, шаҳар кўчаларида у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа бир-бирини визиллаб қувиб ўтаётган машиналар ва уларни бошқариб бораётган ҳайдовчиларда эди.

Шаҳар Деҳқон бозорининг чор тарафи ҳар доимгидек қайнайди. Икром бир муддат бозорга кираётган ва чиқаётган

нотаниш кишилар оқимини узоқдан туриб кузатди. Кейин қатор турган турфа ҳилдаги киракаш енгил машиналарга кўзи тушди.

Ажал шарпаси Исматиллонинг шундоқ ёнгинасидан, атиги уч-тўрт қадам наридан ўтиб бозорга кирди.

Икром Деҳқон бозоридан икки кўли бўш қайтиб чиқди ва оқ рангли “Жигули” енгил машинасини кўз остига олди.

Исматилло гапираётганида лаблари орасидан тилло тишлари ялтираб кўринди. Буни Икром эътибордан қочирмади.

- Ака, - деди Икром, - таъбимга ўтириб қолдингиз. Йўқса ана бошқа киракаш машиналар ҳам навбат кутиб турибди. Саккиз минг сўмни мендан она сутидан ҳалол санаб олаверасиз. Аммо уйда бир-икки соат кутиб қолишингиз мумкин. Унга алоҳида ҳисоб-китоб қиламиз, маъқулми?

Мижознинг чўртқесарлиги, айна чоғда тантилиги Исматиллони шошириб қўйди. Кўнглида бир муддат савдолашмоқчи ҳам бўлди. Лекин гапни чўзиб ўтиришдан фойда йўқлигини билиб, машина қалитини буради.

“Жигули” ўрнидан шиддат билан кўзгалди. Ортида пайдо бўлган елвизак чинор баргларини ҳар ёққа тўзғитиб юборди.

Машина Кўхна шаҳарнинг кичик мавзеси кўчалари бўйлаб бораётганида Икромнинг кўзи Аббосга кўзи тушди. У аввалдан келишиб олган жойда шеригини кутиб турганди.

- Ака, машинани чеккароқ жойга тўхтатинг, - деди Икром, - мен қассобхонадан гўшт олволай.

Исматилло машинасини тўхтатиб, икки кўзини Икромдан узмай, уни кузатиб ўтирди. Чунки одам ҳар хил бўлади. Айрим мижозлар манзилга етиб олгач, турли хил найранглари йўлаб топишадики, асти қўяверасиз. Бечора ҳайдовчи мижозни кута-кута “қулоғига лағмон” осиб кетганлигига ишонч ҳосил қилгач, сўкина-сўкина ортига қайтишга мажбур бўлади. Йўқ, Икром ундайлардан эмасди. У қассобхона олдида ким биландир кучоқлашиб кўришди. Афтидан жуда қадрдон ўртоғини учратди.

- Аббос, - деди Икром қассобхонадан узоқлашгач, - сен бугун Катта шаҳардан келгансан. Иккимиз анчадан бери кўришмай, ҳозир тасодифан учрашиб қолдик. Сен Катта шаҳарга мева-чева олиб бориб сотасан, уқдингми?

- Келишдик, бу ёғини менга қўйиб беравер.

Исматиллонинг кўнгли жойига тушди. Мижози яна машина олдига яқинлашди. Аммо у бир ўзи эмас, ёнида нотаниш йигит билан қайтиб келди. Улар юришда давом этдилар.

Исматилло ўзига ишонган йигитлардан эди. У шиша ичидаги оғунинг нималарга қодир эканлиги билан ҳисоблашиб ўтирмади. У Катта шаҳардан келган тижоратчи йигитнинг сазасини қайтармади. Пиёлани бўшатиб узатди. Иккинчи, сўнгра учинчи пиёла ҳам ўз-

ўзидан янги-янги дўстларнинг кўпайиши учун олинди. Тўртинчи пиёла эса уй бекасининг соғлиги учун кўтарилди.

- Озгина кутайлик-чи, жон ака,-ялинди Икром. - Мен айтган киши зарур юмуш билан қўшни қишлоққа кетибди. Хотинига тайинлаб келдим. Келиши билан пулни юборсин, дедим.

Исматилло қайтиб жойига ўтирди. Тўртинчи шишадаги ароқ ҳам очилди. Соат чиққиллаб тунги ўн иккига ишлаётганди. Телеэкранда суҳандон эртанги кун кўрсатувлар дастури билан таништира бошлади. Номаълум кишидан ҳам, пулдан ҳам дарак бўлмади. Исматиллонинг сабр косаси тўлди. У мезбонларга узр айтиб, ўрнидан кўзгалди. Мезбонлар ҳам энди уни ортиқ ушлаб тургилари келмай, дарров рўйхушлик беришди. Чунки улар аллақачон ўз иш режаларини пухта-пишиқлаб олишганди.

Ташқарига биринчи бўлиб Аббос, унинг ортидан эса Исматилло, кейин уй соҳиби Икром юра бошлади. Меҳмон эшик дастасини тутганича қолди. Унинг бўйнига тросс-сиртмоқ “виз” этди-да тушди. Шу дақиқанинг ўзидаёқ темир болғанинг уч-тўрт зарбаси алп қоматли йигитни полга йиқитди.

Аббоснинг кайфи баланд. У жон алфозда ҳайдовчининг бошига қўлидаги болға билан икки-уч бор туширди.

- Бўлди, тинчиди.

Жувон ҳар доимгидек илдам ишга киришди. У майитнинг қўлоёқларни қисиб боғлаб қўйди.

- Қани, кўтардик, - буйруқ берди Икром. Ҳаёлига бир нима келди чоғи, - тўхтанглар,-деди.

Икромнинг кутилмаганда ишни орқага сураётганлигига Аббос ҳам, Мастура ҳам ҳайрон бўлди.

- Мастура, отверкани узатиб юбор!

Хотин буйруқни бажарди. Икром Исматиллонинг жонсиз бошини чап қўли билан тиззасига қўйди. Оғзини очиб, отверка билан тилла тишларини сугуриб, кафтида ўйнатди.

Буни кузатиб турган Аббоснинг ранги қув ўчди ва қўрқувдан кайфи тарқади. Ваҳшийликда ҳеч қачон шеригининг олдига туша олмаслигига ақли етди.

- Тилла,- деди Аббос,- тирикларга керак-да!

Қотил қон аралаш тилла тишларни чўнтагига тикди.

\* \* \*

Тилланинг бозори чаққон, унга дарров ҳаридор чиқаверади. Айниқса, сал мўлжалдан арзонроқ айтсангиз, беш-олти нафар тиллафуруш аёлни бир-бири билан уриштириб қўйиш ҳеч гап эмас. Икром пачакилашиб ўтирмади. Тиллага бир аёл астойдил ёпишди-қолди. Хуллас, савдо пишди. Тўрт дона тилла тиш ўттиз икки минг сўмга баҳоланди.

Икром тиллафуруш аёлнинг қўлидан ҳар бир боғлам пулни

алоҳида-алоҳида олиб, эринмай санаб чиқди. “Ердан топсанг ҳам санаб ол”. Аббоснинг икки кўзи шеригининг пул санаётган қўлларига “лўқ” қадалганди. Уч-тўрт кун аввал қонга ботган панжалар бир-бирига тегмасди.

- Пул бизга, тилла сизга,-деди Икром саналган пулларни чўнтагига уриб, - қани, опажон, барака топайликми?

- Бўлмасам-чи,-деди аёл хурсанд бўлганидан,-тўйларга, яхши кунларга ишлатинглар.

Икром билан Аббос тилла бозоридан чиқиб, машина томон юра бошлашди. Катта кўчада икки тарафлама ҳаракатланаётган машиналар доимо тирбанд бўлади. Боз устига кўчанинг икки қирғоғида қолдирилган ҳар хил турдаги машиналар... Уларнинг эгалари бозорга ёки бошқа бир зарур юмуш билан дўконлар оралаб кетган. Икром “Жигули” машинасининг эшигини эринчоқлик билан очаётганди.

- Ҳой, тезроқ политиркангни бир чеккага олсанг-чи! - деган овоз келди.

Икром аланглаб, ёнида яп-янги “Нексия”, унинг рулида эса ўзидан икки-уч ёш каттароқ йигитни кўрди. Унинг пешонаси тиришиб, асаблари “ўйнаб” кетди. Бироқ, ўзини босди.

- Ака, - деди мулойим товушда,- шошилмасангиз ҳам чиқиб кетаман.

- Гапни кўпайтирмай ол-да, шалоқ аравангни!

Икром машинасини юргизди. Пойлоқчилик қилаётган болага эллик сўмликдан қаттасини узатди. “Жигули” Кўҳна шаҳарнинг Чорсуни тарафга қараб юриб кетди.

- Политирка дедими,- сўради Аббос, - политирка нима ўзи?

- Ўл-а-а,- деди Икром шеригига,- сенда ҳам овоз бор экан-ку. Сичқоннинг уйи минг танга бўлиб кетди...

- Гавдасини кўр боқилган буқага ўхшайди.

- Ҳали шу юрак билан бирга юрибсанми?

- Гап кўркиш, кўрқмасликда эмас. Ҳозир жанжаллашишнинг жойи эмас-да.

- Мен ҳам шуни ҳисобга олдим,-деди Икром, кейин тушунтира кетди. - Политиркани билмайсанми? Эшитмаганмисан? Уруш вақтларида ишлаб чиқилган машина. Кабинаси ёғочдан ясалган. “Инсон тақдири” киносини кўрганмисан?

- Бўлди, бўлди,-эслади Аббос, - Соколовнинг машинаси. Қара, русский Иван ароқни беззакуска ичиб юборади-а!

Алам ўти тобора Икромни ўз комига тортаётганди.

- Эҳ, “Нексия” ларнинг запчастлари чайқов бозорида сотилмайди-да,-афсус чекди у, - агар сотилганида шу гапи учун анави бойваччанинг гўштини тузлардим.

Аббос навбатдаги “ов”га ўзи астойдил бел боғлаганди. Чунки, ўтган галги хунрезликда фаол иштирок этган, маълум маънода тажрибага эга бўлганди. Шундай бўлса-да, унга ўртага тушган даромаддан тенг шерик бўлинмади. Мана шуниси унга ёқмаётганди. Тилла тишдан тушган пуллардан эса сариқ чақа ҳам тегмади. Тўғри, пулнинг пича қисмига мардикор бозоридан уч йигитни ёллаб ишлатишди. Бозордан гўшт, ароқ олинди. Ҳамма нарса ўртада ичилди, ейилди. Бироқ Икром деганнинг нафси тобора ўпқонга айланиб боряпти. Инсофни нонга қўшиб ютиб юборганми, худо билади. Ўзи айтган гапга ўзи амал қилмайди. Кемага тушганнинг жони ҳам, пули ҳам бир хил бўлиши керак-да!

Аббос бу галги “иш”нинг асосий қаҳрамони бўлишни юрагига тугиб олди. Ана шу режани тезроқ амалга ошириш мақсадида шеригини холи жонига қўймади. Тўда боши бўлса негадир ўзини орқага ташларди. Уни ҳеч тушуниб бўлмайди. Шаҳарлик хотинининг уйдан чиқмай ётиб олди. Аббос уни базўр кўндирди.

- Қўймадинг, қўймадинг, - деди Икром ва ниҳоят, - сен мени пастда кутиб тур. Ҳозир тушаман.

Кечаги шамол анча совуқ ташлаб кетган, қишнинг кириб келишига тўрт кун қолганди. Янги йил байрами яқинлашаётган, байрамга пул керак. Пулсиз байрам байрамдек бўладими?!

Аббоснинг эгни юпун, кеч кузнинг аёзиди икки қўлини қўлтиғига қисиб, у ёқдан бу ёққа юриб Икромни кута бошлади. Ана у зинада кўринди.

- Машинада ўтириб турсанг бўлмайдими, - койиди Икром, - совуқда қотган мусичадек хурпаймасдан.

- Машинанг қулфланган-ку!

## ТЎРТИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Улар машинани мавзенинг автомобил сақлаш майдончасида қолдириб, шаҳарнинг Деҳқон бозоригача пиёда юриб боришди.

Атроф қоронгулаша бошлаган бир пайт... Шаҳар кўчаларида манзиллари сари ошиқаётган машиналар, пиёдалар... Ҳар кимнинг ўз ҳаёти, ўз ташвиши бор. Ўшанга қараб ҳаёт ғилдирагини айлантиравереди.

Аминжон жуда толиққанди. Бир кўнгли уйига қайтмоқчи ҳам бўлди. Бироқ кун бўйи минг сўм ишлаганди, холос. “Ҳеч булмаса бензин пулига ишлаб олай” деган ўй-хаёл устунлик қилди.

Аминжон янги рўзгор бошлиғи. Унинг ўзига яраша завқи ва ташвиши ҳам бўлади. Ёшларни ота-оналари шаҳардаги икки қаватли ғиштли уйга кўчириб қўйишганди. Шу боис, уларга дадаси ўзининг



шахсий “Жигули” сени берганди. “Бир-икки йил рўзгорнинг оғир-енгил томонларига чидайсизлар,- насиҳат қилди ота,- қизларнинг ёшлигида астойдил ишлаб, бир-икки нарсга орттириб олинглар. Вақти келиб, сизлар ҳам данғиллама уй-жой қурасизлар. Тўйлар қиласизлар. Ёшлик бир дамда ўтади-кетди. Уни беҳудага ўтказмай, фойдали ишларга сарфлаш керак”.

Икром билан Аббос машина атрофида оқшомда учган кўршапалакдек айлана бошлашди.

- Ошна,-деди Аббос ҳайдовчига яқин келиб,- бизларни Шўрқишлоққа олиб бориб, яна қайтариб келмайсизми?

Аминжон киракашлик қилиб, Кўҳна шаҳар атрофидаги кўллаб қишлоқларнинг номларини, қаердалигини билиб олганди. Аммо Шўрқишлоққа сира йўли тушмаган экан. Шунинг учун унинг қаердалигини йўловчилардан сўради. Йигитлар қишлоққа қайси йўл олиб боришини, йўлнинг масофасини айтиб беришди.

- Бир минг беш юз сўм берасизлар-да,-деди у, - қанча кутиб тураман.

- Узоғи билан бир-икки соатча,-жавоб беришди мижозлар.

- Унда тўхтаб турган вақтимга ҳам алоҳида тўлайсизлар.

- Гап бўлиши мумкин эмас,-савдога қўшилди Икром, - ўзи қонун-қондаси шундай.

- Ўтиринглар.

Машина “Озиқ-овқат” дўконига яқинлашаётганида бирдан Аббос:

- Илтимос, - деди ҳайдовчига, - шу дўкончага кириб чиқай.

“Жигули” йўл чеккасига тўхтади. Аббос спиртли ичимликлар дўконига чолқиллаб кириб кетди ва у ердан икки шиша ароқни кўтариб чиқди.

- Қутлуғ уйга қуруқ бориб бўлмайди, - деди у ва иршайиб жойига ўтирди.

Ҳайдовчи ҳомуза тортиб олгач, кўзларини уқалаб мижозлардан сўради.

- Кетдикми?

- Янги бозор томонга ҳайданг, у ердан гўшт, нон ҳам олнолайлик.

Машина Янги бозорга қараб бурилди.

- Гапнинг очигини айтганда, - деди Янги бозордан гўшт, нон сотиб олган Аббос ҳайдовчига. - Ҳозир сиз билан мен бир савоб ишга қўл урамиз.

- Қандай савоб иш экан, - қизиқсинди Аминжон. - Билсак бўладими?

- Мана бу дўстимиз,-деди Аббос Икромни кўрсатиб, - олти кундан бери уйига бормади. Келинчаги билан аразлашиб қолган. Икки ёшни қовуштириш савоб иш эмасми?

- Савоб иш, - тасдиқлади ҳайдовчи, - савобларнинг энг улуғи.

Икром Аббоснинг ўйлаб топган найрангига қойил қолди. Ҳайдовчи эса бу гапга чиппа-чин ишонди.

- Ана, кўрдингми,-деди Аббос, - сен бўлса бормайман, менга ундай хотин керак эмас, дейсан. Ахир, қизларингни ўйласанг-чи?!

- Сен билмайсан-да,- дардини дастурхон қилди Икром, - хотинининг тили заҳарли илоннинг тилига ўхшайди. Чақади.

Аминжоннинг кўз ўнгидан хотини Озода ва қизлари бир-бир ўтди. Улар аҳил-иноқ, тотув умр кечиришади. Ота қизларини, аёлини жуда-жуда яхши кўради.

- Савоб ишга кўл урибсиз-ку,-деди хушчақчақлик билан Ҳайдовчи. - Аммо бир ишни чала қиялпсиз-да.

- Нимани?

- Уч сўм пул, бир калла қанд-ку бор,- ароқ, гўшт ва нонларга ишора қилиб,-аммо мулласи қани?

- Мулла сиз, гувоҳи биз-да!

Самимият йигитларни бир-бирига янада яқинлаштирди.

- Ишқилиб, ёмон сўзни оғзингизга олмаганмисиз, ака?

- Тилга ҳушёрмиз.

- Унда ишимиз осон экан.

- Мен ҳам шунинг учун бош қўшяпман, - деди Аббос, - йўқса асло ишим бўлмасди. "Аллоҳ энг ёмон кўрган нарса-талоқдир", деганлар. Талоқ тушганида Аллоҳнинг арши ларзага келади, дейилган, муқаддас китобларда.

Аббоснинг бу гапларидан Аминжон таъсирланди. Унга нисбатан яна-да ҳурмати ошди.

"Жигули" ҳеч юрмаган қишлоқ кўчаларидан ўтиб, боши берк кўчага қайрилди. Йигитлар ҳар хил мавзуда суҳбатлашиб, тобора дўстлашиб, қалинлашиб бораётганди. Машина дарвоза олдида тўхтади. Уни хотинидан аразлаб қолган Икром очди.

Меҳмон "Меҳробдан чаён" кинофильмидаги Анварга ўхшаш оқ юзли, хушсурат эди. Жувон беихтиёр уларга пешвоз чиқди. Тилидан бол томиб, қарши олди.

Аёл меҳмонлар учун телевизор бор хонага жой ҳозирлади. Дастурхонга нон, чой, қанд-курс ва бошқа ноз-неъматлар қўйилди. Икром хотинига қарашгани қозон бошига чиқиб кетди.

- Иш осон битди-ку,-деди Аминжон.

Аббос оғзини унинг қулоғига яқин олиб борди.

- Шундай хотиннинг қадрига етмайди, - деди пичирлаб, - шаҳарда аллақимлар билан дон олишиб юрибди, аҳмоқ.

- Йигитчилик-да, йигитчилик.

Хонага Икром қайтиб кирди. Унинг қўлидаги ликопчада ковурилган гўшт бор эди.

- Зерикиб қолмадиларми? - деди у, - ия, Аббос, ҳалигача ароқни очмадингми?

Аббос ароқнинг биттасини қўлига олди-да, қопқоғига сочиқ қўйиб буради.

- Овқат пишгунча озгина-озгина эрмак қилиб тураминиз-да,-деди Аббос ва ароқни учта пиёлага қуйди.

- Мен ичмайман,-деди Аминжон,- сизлар бемалол.

- Шундай кунда ичмаслик,-ялтоқланди Аббос, - гуноҳ бўлади.

- Узр, мен умуман ичмайман.

- Шаҳарлик йигитларга сира ўхшашаюпсиз-да,-норози бўлди Икром, - бир пиёла ҳеч нарса қилмайди.

Аминжон ноилож пиёлани қўлига олди.

- Мана бу бошқа гап,-деди Аббос. - Бизнинг қўлга ҳаққа ўтирмаган, ахир.

- Тўғри,-тасдиқлади, - йигитнинг қўли қайтгунча шайтоннинг бўйни кесилсин.

Аминжон уй соҳибларига ўзининг яхши тилаklarини айтди. Қўлидаги пиёлани мезбон ва унинг дўсти билан чўқиштирди, аммо ароқни ичмади.

Меҳмон шайтони-лаъинни эсга олди. Бироқ, ўзи шайтонларнинг орасига тушиб қолганини, улар билан бир дастурхон атрофида ўтирганини билмас эди. Овқат пишгунча анча-мунча вақт ўтди. Аминжонни секин-аста чарчоқ енга бошлади. Шайтон қиёфасига кириб олган Аббос, уни бемалол тортинмай, ўз уйидек ёнбошлаб олишга таклиф этди. Уйқусизликдан толиққан кўзлар ачишиб бир юмилиб, бир очилиб, узун киприклар бир-бирига жипслашиб борарди.

Темирнинг айни қизиган пайтида Икром хотинининг олди-да нима қилади? Аббос оч бўридек у ёқдан бу ёққа юриб тимирсиланди. Қандай қилиб, удалаш мумкин? Унинг юраги яна ланд беряпти. Узини ҳўярга жой тополмай эр-хотиннинг олдига чопқиллаб чиқди.

- Икром анави йигит ухлаб қолди.

- Ухлайверсин.

- Нима?!

- Уйғонгандан кейин уни ўзим...

Икром қўли билан бўйини бўғиб кўрсатди.

- Бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши.

Аббос ҳовлиққанча ташқарига, айвонга чиқди. Унинг кўзлари пешайвон бурчагида турган кетмонга тушди. Кетмон дастасини икки қўллаб маҳкам тутган Аббоснинг сояси ширин уйқудаги Аминжон тепасида қора булутдек пайдо бўлди.

Бу гал Икромнинг тросс-сиртмоғига ҳожат қолмаган эди. Аббос кетмоннинг орқаси билан Аминжоннинг ўнг кулоқ орқасига зарб билан урди. Йигит ҳатто миқ этишга ҳам улгурмади.

- Қулоқ ортидаги ширин томири узилибди,- деди Икром Аминжоннинг нафас олмаётганига ишонч ҳосил қилгач,- бизга иш қолдирмабсан.

Қотил кетмонни қўлидан қўймаган, унинг дастасидан маҳкам тутганича ранги-рўйи докадек оқариб, ияклари бир-бирига тегмасдан таккилаётган эди.

- Бу иш-шш ос-ос-о-нн бит-бит-ти-ти-ку,- дея олди у базўр.

Икром ҳайдовчининг чўнтагидан минг сўмни қоқиштирди.

\* \* \*

Ҳар йил ўн икки кун аввалга суриладиган Рамазон ойи бошланди. Беайб Парвадигорнинг ўзи. Одам боласининг адашиши ер юзида Одам Ато замонасига бориб тақалади.

Аллоҳ таоло Ҳавони яратгач, уни Одамнинг жуфти ҳалоли қилиб жаннатда қолдирди. Уларга жаннатдаги мавжуд бўлган барча неъматлардан ейишликка рухсат берди, фақатгина бир дарахтга яқин бормасликларини ва унинг мевасидан истеъмол қилмасликларини буюрди. Мободо улар бу амрга хилоф равишда унинг мевасидан еб қўйишса, у ҳолда итоатсизликлари учун ўзларига зулм қилиб, муносиб жазога гирифтор бўлишларини уларга уқтирди.

Бу сўзларни эшитиб турган иблис бениҳоя суюнди. Чунки Аллоҳнинг Одам ва Ҳавони маълум дарахтнинг мевасидан емангизлар, деб айтган ўгити иблисга қўл келарди. Одам ва Ҳавони йўлдан оздириб, Худонинг амрига хилоф иш қилишларига ундаш учун унга баҳона топилган эди. Шу дақиқадан бошлаб иблис Одам ва Ҳавони йўлдан оздириш пайига тушди. Уларни турли йўллар билан алдай бошлади. Нима қилса ҳам Аллоҳ ман қилган дарахт мевасидан Одам ва Ҳавога едириш керак эди. Агар улар шу мевадан истеъмол қилишса, уларнинг авратлари очилиб, жаннатдан қувилишини иблис жуда яхши билар эди.

У Одам ва Ҳавога яқинлашиб: - Аллоҳ сизларни бу дарахт мевасидан истеъмол қилишингиздан қайтаришнинг сабабини биласизларми? - деб сўради.

Улар сукут сақлагач, яна сўзида давом этди.- Агар ундан есангиз фариштага айланасизлар ва турли неъматларга бой бўлган бу жаннатда абадий қоласизлар. Аллоҳ эса бу ҳикматни сизларга раво кўрмоқчи эмас.

Одам ва Ҳаводаги ишончсизликни кўргач: "Мен сизларга содиқ дўстман", дея қасамёд қилди.

Одам ва Ҳаво иблис ўзларининг ашаддий душмани эканлигини унутишиб, фитна тузоғига илиндилар. Аллоҳ ман этган дарахт мевасини истеъмол қилишди. Мева таъмини тотишлари биланоқ, икковларининг ҳам аврати очилиб қолди. Илгари улар бир-бирларини бундай ҳолатда ҳеч кўрмаган эдилар. Шу боис,

уялганларидан дарҳол дарахт баргларида олиб авратларини бекита бошлашди. Шу дақиқада ҳар бир ишдан огоҳ Парвардигор уларнинг бу гуноҳларига таъна қилиб:

- Ахир мен сизларни бу дарахт мевасини истеъмол қилишдан қайтариб, шайтони лаъин сизларнинг ашаддий душманингиз эканлигидан хабардор қилган эдим-ку!- дея хитоб қилди.

Одам ва Ҳаво Аллоҳ таолонинг ўғитига қарши бориб, ана шу тариқа улкан гуноҳга қўл урдилар. Ўз хатоларини тушуниб, пушаймонда Парвардигорга ёлбора бошлашди:

- Эй Парвардигор! Бизлар сенга маъсият этиб, сенинг амринга хилоф иш қилдик. Ўзимизга-ўзимиз зулм этдик. Энди Сен бизларни мағфират қилгин. Агарда гуноҳларимизни кечириб шафқат этмасанг, бизлар кўп зарар кўргувчилардан бўлиб қоламиз-ку?!

Аллоҳ таоло Одам ва Ҳавонинг тавбасини қабул этди. "Одам ўз Парвардигоридан тавба калималарини ўрганди ва дуо қилди. Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қилгувчи меҳрибон зотдур".

Одам ва Ҳавонинг тавбалари қабул бўлгач, улар жаннатдан чиқарилдилар. Парвардигор уларга, Одам фарзандлари доимо ўзаро адоватда бўлишини, улар ўз ажаллари етгунга қадар маълум вақт яшаб, ер юзини обод қилишиб ундан фойдаланишларини, Аллоҳ доимо уларга ҳақ йўлини кўрсатиб туришини, кимки Аллоҳнинг тўғри йўлидан юрса, дунёда гуноҳ ишларга қўл урмай бахтиёр яшаб ўтиши хабарини айтди".

Ана шундан бери ер юзидаги жамики инсон боласи борки ўз ҳаёти давомида адашади ва хатога йўл қўяди. Билиб-билмай гуноҳ ишларга қўл уради.

Икром, Аббос ва Мастуранинг гуноҳлари соч толаларидан тортиб, тирноқларигача ботиб кетган эди. Улар рўзаи рамазон ойигача тўрт бегуноҳ инсоннинг ёстиғини қуришиб, тўққиз нафар норасида фарзандларнинг бошига эрта етимлик кулфатини солганди. Қотиллар ўз гуноҳларини пинҳона тан олишар, шу боис эл қатори рўза тутиб, жилла бўлса-да, гуноҳларини енгиллаштириш пайига тушишган эди.

Икром моҳи-рамазон ойининг биринчи куниданоқ бошига дўпписини кийиб, қишлоқ масжидига қатнай бошлади. У тарових намозларини қанда қилмасдан, сафнинг олдинги қаторларидан жой олишга интилди. Кўп ҳолларда бунинг урдасидан чиқди. Ҳатто саҳарликдан сўнг таҳоратини янгилаб, яна қишлоқ масжидига, бомдод номозини ўқиётган кексалар олдига ошиқди. Буни эътиборга олган айрим чоллар Икромни кўча-қўйда, ифторликда бошқа қишлоқ ёшларига ибрат учун мақтай бошлади.

Икром тенги-тушларидан ажраб, ўзини катталар ичига урди.

---

\*Шайх Зоҳиджон Қодир Отахон ўғли. Пайгамбарлар қиссаси.

Имомнинг ҳар кунги амри-маъруфини жон қулоғи билан эшитарди. Хуллас, бутун оила луқма гуноҳи кабираларини ювиш ҳаракатида эди. Аммо улар бешта нарса бор, у каффорат бериш билан ҳам тузалмаслигини билмас эди. “ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдирмоқ, мўминга тўхмат қилиш, урушдан қочмоқ, ёлғондан қасам ичиб, ноҳақдан бировнинг молига эга бўлиб олмоқ”.

\* \* \*

Каримжонни кута-кута Замиранинг кўзлари киртайиб қолди. Бир неча бор савдо-сотиқ ишлари билан Катта шаҳарга бориб келаётган кишиларга тайинлаб юборди. Уларнинг илиқ хабар олиб келишларини интизорлик билан кутди. Бироқ ҳамма кутишлар бесамар кетаверди. Икки ой ўтиб, учинчи ой поёнига етди. Аммо Каримжондан - болаларнинг дадасидан ҳеч қандай хабар йўқ.

Аёлни, айниқса, болаларининг ранги-рўйи эзиб юборди. Улар ҳар кун, ҳар тонг “Ойи, дадамла келдилами?”, деб уйқудан кўз очишади. “Йўқ, келиб қолишар” каломи такрорланаверади. Бирон кун “Ҳа, келдила, секинроқ, уйғотиб юборманглар. Дадаларинг чарчаб келдила” деган сўзга алмашмайди. Бунга Замира ҳам, унинг фарзандлари ҳам жуда-жуда иташади...

Аёлнинг бормаган парихони, учрамаган фолбини қолмади. Бири “Эрингиз ҳаёт. Унинг бошига оғир мушкул иш тушган. Тез кунда келиб қолади”, деса, бошқаси “Турмуш ўртоғингиз қандайдир номаълум кишилар орасига тушиб қолибди”, дерди. “Мушкулкушод қилиб юборинг, зора мушқули осон кўчса!”

Замира ана шундай кунларда ўзини қўярга жой топа олмай қолар эди. Маҳалла аёлларини йиғиб, отин бувиларга мушкулкушод ўқитарди.

- Рўза тутинг,-деди яна бир фолбин. - Яратганга астойдил сизининг. Эрингизнинг қайтишини ундан сўранг. У, албатта, келади.

Аёл шундоқ ҳам ҳар йили рамазон ойида рўза тутар, Оллоҳнинг бу фарзини бекаму-кўст бажарар эди. Шундай бўлса-да, фолбинга: - Тутяпман. Ҳар куни. Эрталабки бомдоддан сўнг нажот сурасини етмиш маротаба ўқийман, - деди.

Ҳаёл Замиранинг эс-ҳушини аллақарларга етаклаб кетади. У тонг саҳарда нажот дуосини ўқиётиб, баъзан санокларда адашиб қолади. Ҳисобидан чалғимаслик учун гугурт чўпидан донга санаб олди. Чўпларни бирма-бир у қўлидан бу қўлига ўтказиб, нажот дуоларини ўқий бошлайди. Ана шундай кунларнинг бирида ёнида кичик ўғли Рустамжон пайдо бўлди. Бола онасига ҳалақит бермади. Аёл пичирлаб дуо ўқишда давом этаверди. Боланинг икки кўзи онасининг панжалари орасидаги гугурт чўпларида эди. Чўпаклар тамоман бир қўлга ўтиб, дуо поёнига етди.

- Ойи, дадамни соғиндим, қачон келадила?

Боланинг мунчоқ кўзларидаги ёш, онанинг шундоғам эзилган қалбини баттар ўртаб юборди. Уғлини маҳкам бағрига босган кўйи: - Бошинг тошдан бўлсин, тойчоғим,-деб юм-юм ийғлади.

\*\*\*

Олам икки қутбга, яхшилик ва ёмонликка бўлинган. Бу ёруғ дунёда ҳаёт давом этар экан, яхшилик билан ёмонлик доимо бир-бирини қувиб, рақобатда юради. Бирини ортиқ, иккинчисини кам қилиб яратиб қўйилмаган. Яхшининг бир ёмони, ёмоннинг бир яхши жиҳати бўлади, албатта. Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу-ку! Буни ҳаёт деб қўйибдилар. Унда ҳамма нарса бўлиши ва аксинча, бўлмаслиги мумкин.

Икром ва унинг атрофидаги жинойи гуруҳ аъзолари янги йилнинг айни қиш чилласида ҳам бир хунрезликка қўл урди. “Урганган кўнгил ўртанса қўймас” деганларича бор-да! Бешинчи қотиллик ҳаммасидан ошиб тушди. У куппа-кундузи, Мастуранинг кўз ўнгида содир этилди. Аёл бу қотилликда фаол иштирок этмади. Бироқ барча гуноҳларга шерик қуруқ жисми билан гувоҳ эди. Унинг ожиз қалби, муштдек юраги шунча, бир-биридан даҳшатли воқеаларни кўтараётганидан ўзи ҳам ҳайрон қолаётганди.

Икром билан Аббос қўлга киритилган оқ рангли “Жигули”ни икки кунда майда-майда бўлақларга ажратиб ташлашди. Мастура бамисоли ҳайкал, эс-ҳуши жойида эмас, қилаётган ишини ўзи ҳам билмайди.

- Сен уйингга, қишлоғингга бориб келасан!

Икром хотинини у ерга бежизга жўнатмаётган эди. Илгари Мастура уч-тўрт ойда қишлоғини, ота-онасини кўргани зўрға руҳсат оларди. Эри томонидан тушаётган таклиф айни чоғда буйруқ ҳам эди. Бу аёл учун хавфли ҳаёт-мамот имтиҳони. Бу синовдан қандай қилиб ўтиб олади?! Бу ёғи тубсиз жарлик.

- Бормайман, бора олмайман,- кўзига дув ёш тўлди, - қандай қилиб бораман, ахир. У ерда...

Мастура гапини охиригача тугата олмади.

- Мен айтдим, борасан, деди эр қатъий, унинг гапини бўлиб, - қандай қилиб борасан. У ерга бориб, кимга нима дейсан, кимлар билан гаплашасан. нималарни сўраб, билиб келишингни ўзим ўргатаман. Оғзингдан гуллаб қўйсанг, кейинги ўра сеники бўлади.

\*\*\*

“Дамас” машинасидан тушган жувоннинг бир қўлида боласи, иккинчисида тугунча... Унинг қулоқларига мусиқа садоси чалинди. Қишлоқда тўй бўлаётганди. Икки ёш келин-куёвни бир-бирига қовуштирадиган никоҳ тўйи. Қандай яхши.

Мастура тўйга боргиси, ҳамқишлоқларининг даврасида бўлгиси

келди. Бироқ бунинг сира имкони йўқ. Эрининг барча айтган гапларини қилмай туриб, қаёққа ҳам боради. У қизчасини бағрига маҳкам босган кўйи, беғубор болалиги ўтган хонадонга элтувчи кўчадан юриб кетди. Тўйхонадан таралаётган хурсандчилик таронаси борган сари пасая борарди. Жувоннинг ҳаёлини электр симёғочидаги қарға олди. У кўктерақ шоҳларидаги шерикларига тумшугини чўзиб; “қар-қар-қар” деди. Кўктерақдаги қаргалардан ҳам узун-қисқа жавоб бўлди. Мастуранинг ҳаёлидан даъфатан ёшлигида зшитган бир ривоят ўтди. Буни унга дугонаси Маҳбуба, сўзлаб берганди.

Хуллас, ўша ривоят мазмуни шундай. Ер юзида биринчи қотиллик Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ўғиллари ака-ука Қобил ва Ҳобил ўртасида содир этилади. Воқеанинг келиб чиқиш узоқ. Гапнинг қисқаси ўша қотиллик ҳасад туфайли рўй беради. Самода ҳам, ерда ҳам Аллоҳга гуноҳкор бўлишга биринчи сабаб бўлган нарса бу ҳасаддир. Самода Иблис Одамга ҳасад қилди. Ерда эса Қобил Ҳобилга...

Қобил Ҳобилни ўлдириб, жасадни нима қилишини билмай ҳайрон бўлди. Шу онда Аллоҳ таоло иккита қарға юборди ва булар Қобилнинг кўз олдида бир-бири билан чўқишиб кетишди. Бири иккинчисини ўлдириб, тумшуги ва оёғи билан ерни кавлай бошлади. Шеригининг жасадини қазилган чуқурликка ташлади. Қобил қарға ўз шеригини кўмганини кўргач, қалби бир оз юмшади ва қаргадан ҳам паст, раҳмсиз бўлмайин деб, қилмишига пушаймон бўлиб, укаси жасадини ерга кўмди...“\*

Қаргани “киш” дейишга Мастура ўзида куч тополмади. Унинг оқ юзидаги сепкилларига кўкдан тушаётган қор учқунлари қўна бошлади. Бир дам ҳаёлини бир жойга жамлаб, қадам ташлашда давом этди.

Она қизини кутилмаганда остона ҳатлаб ҳовлида, ўз бағрида пайдо бўлганидан бениҳоя хурсанд бўлди. Чунки, қизини соғинганди.

- Онанг ўргулсин, болам,-аёл қизининг икки юзидан ўпиб бағрига маҳкам босди. - Совуқ кунда бувисини соғинган дўндикчамдан ўзим айланиб кетай...

Кампир набирасининг ҳам икки ёноғидан чўпиллатиб ўпиб, ойисига бермай уларни ичқари уйига бошлади. Она-бола набиранинг уст-бошини еңгиллатди. Ўзлари ҳам иссиқ кийимларини деворга қоқилган миҳга осишди. Кейин кўрпачадан жой олиб, онаизор узундан-узоқ дуо ўқиди. Аввало, Оллоҳдан тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, беҳисоб ризқ, қариларга иймон, ёшларга инсоф, қизининг қўшгани билан қўша қариб, болаларининг орзу-ҳавасини кўришини сўради.

---

\*Пайгамбарлар қиссаси. - 1993 йил.



Мастура ҳам дуога қўшилиб, юзини кафти билан силаб қўйди.

- Ҳа, болам, совуқ кунда йўлга чиқибсизлар,-қайта сўроқлай бошлади она қизини. - Эринг билан уришиб-нетиб қолмадингми? Катта қизингни олиб келмабсан? У ҳам яхши юрибдимми?

Қиз онасининг ҳамма саволларига жавоб қайтарди. Ўз навбатида отасини, ака-укалари, опа-сингиллари, қариндош-уруғларини сўради. Она ҳам қизининг ҳамма сўроқларига бирма-бир изоҳ бериб, ҳаммалари ўз ишлари билан банд эканлигини айтди.

Мастура илгариги дуркун Мастура эмас, қандайдир синиққан, кўзлари киртайган. Она буни дарровгина пайқаган бўлса-да, бу ҳақда оғиз очишдан ўзини тийди.

Қиз бола шу-да. Палахмоннинг тоши. Бировнинг ҳасми. Тақдирида, пешонасида ёзилган ўзга хонадоннинг аъзосига айланади. “Қиз боланинг тенги чиқса, текин бер”, “Қиз сақлагунча туз сақла” каби мақол, маталлар ота - боболаримиздан ўтиб келган. Худо хоҳласа бизлардан болаларимизга мерос бўлиб қолажак.

- Кўзларинг бир оз синиқибди,-деди она қизидан ташвиш чекиб, - бирон жойинг оғриб келмадингми?

- Йўқ, соппа-соғман.

Мастура кўзларини онасидан олиб қочди.

- Ойи, қишлоқда кимнинг тўйи бўляпти? - гапни бошқа томонга оғдиришга чоғланди, қиз.

- Ойбек уйланыпти,-жавоб қайтарди она кейин уҳ тортиб, гапида давом этди, - “Етимнинг оғзи ошга етса, бурни қонайди” деганлари ҳақ экан-да.

- Қайси Ойбек? Нега ундай дейсиз?

- Ойбекни танийсан,-таъкидлади она. - Унинг поччаси чамамда сенлар билан бир синфда ўқиган Фарҳоджон!

Онанинг сўнги сўзи қизининг юрагини беҳузур қилиб, дукиллатиб юборди. Бутун танасидаги жонини бир зумда ҳалқумига йиғиб олиб келиб қўйди.

- Нима? - беихтиёр қичқириб юборди Мастура.

Она чўчиб тушди. Кўкрак сўраётган қизалоқ онасининг докадек оқарган юзларига термулиб, жимиб қолди.

- Сенга бир нима бўлдими, қизим,-дея она кўйлак ёқасини тортиб туфлади, - капалагимни учириб юбординг.

- Йўқ, йўқ, ўзим шундай. Нима бўлибди, Фарҳоджонга!

- Эҳ худойим-а, -астойдил ачинган бўлди она. - Сен сўрама, мен айтмай. Бугун уч кун бўлди. Фарҳоджон ҳеч қаерда йўқ. Машинасини миниб кетганича қайтиб келмабди. Икки кундан бери бутун қишлоқ безовта. Ҳамма бола бойқишни қидиряпти. Машинаси борлар узоқ-узоқ жойларга бориб келяпти. Бошқалар эса далама-дала ариқ, зовурларни иштапяпти. Бола жуда яхши, одобли, ақлли-хушли йигит эди. Унинг ҳусни жамоли ҳам ўзига ярашганди. Кимга ёмонлик

қилган экан? Ҳаммамиз ҳайронмиз, қизим. Ота-онасининг бахтига, хотин, бола-чақасининг ихволига топилсинда. Сен билан ўқиган. Қандай йигит эди.

- Яхши йигит эди, раҳматли.
  - Вой нега ундай дейсан?
  - Нима дедим. Яхшини яхши дейман-да!
  - Раҳматли деганинг нимаси?
  - Вой ўлмасам шундай деб юбордимми? - Мастура чинакамига кўрқиб кетди, - тавба қилдим, тавба қилдим. Қайтиб олдим.
  - Ҳа шундай дегин, жон қизим,-насихат қилди она, - тирик одамни раҳматли деб бўлмайди. Ишқилиб ота-онасининг, қизларининг бахтига соғ-саломат кириб келсинда.
  - Ишқилиб, айтганингиздек бўлсин-да,-деди секингина.
- Унинг товушини ҳатто онаси эшитмади. Мастура Фарҳоджонни энди сира қайтиб келмаслигини биларди. Шундай бўлса-да Яратгандан мўъжиза рўй беришини жуда-жуда истар эди.

\* \* \*

Тонг қоронғусиданоқ юқори маҳалладан хотин-халажларнинг уввоси эшитила бошлади. Инсон фарзанди бу ёруғ оламга бир ўзи она қорнидан йиғлаб тушади. Аммо қайтишида-чи? Яратганинг ҳузурига боришда эса ўша одам боласи ёшидан қатъий назар, хоҳ ёшини яшаб, ошини ошаган кекса киши, хоҳ бегуноҳ мурғак гўдак бўлсин, ортида қолаётган бандаларни бўзлатиб, йиғлатиб кетаверади.

Нурмат бува омонатини топширди. Кеча уни қишлоқ аҳли сўнги маконига элтиб қўйишди. Бугун фотиҳахонлик бўлаётганди. Таъзиядан беҳабар қолган, узоқ-яқиндаги қариндош-уруғлар, таниш-билишлар марҳумнинг руҳига дуо ўқигани келишди. Қишлоқ урф-одатига кўра марҳумнинг оила аъзолари, уруғ-аймоқлари тонг саҳардан овоз чиқаришлари, оломон келгунча қабристонга-тупроққа бориб келишлари лозим. Ўтганларнинг қабрини зиёрат қилиш, руҳини шод этиш тирикларнинг бурчи-да!

Оиладаги барча фарзандлар тенги-тенгини топиб, катта ҳовлини кенжа ўғилга топшириб, ўзлари алоҳида рўзғор бўлиб чиқиб кетишган. Фарҳоджон ота-онанинг иссиқ бағрида қолди. Шундай бўлса-да, у айримлардек “эркатой” бўлиб ўсмади. Оиладаги барча оғир-енгил юмушларни ўз зиммасига олди. Эрта тонг уйқудан туриб, оғилхонадаги сигирларни ташқарига олиб чиқар, тағларини тозалар, ем-ҳашагини жодида майдалаб соларди. Хуллас, оғир ишларни ота-онаси ёки оғир оёқли хотинига ташлаб қўймасди.

Ҳовли супираётган Малика қўлидаги супургисини ерга қўйиб, зрининг ёнига яқин борди.

- Ташқарида аллаким сизни чақиряпти,-деди у.

- Ким экан?
- Овозидан Дилшод акага ўхшатдим.
- Фарход сигирни қозикқа боғлаб, кўча дарвозасини очди. У кўча дарвозасининг нариги томонида кўп туриб қолмади. Тезда ҳовлига қайтиб кирди.
- Дилшод билан Шавкат, - хотинининг саволига жавоб берди эр,- фотиҳага бирга борайлик дейишяпти.
- Борасизми?
- Ҳа.
- Унда тезроқ кийина қолинг!
- Йўқ, мен бир оздан кейин бораман.
- Нега?
- Машинани юргизиб, қиздиргунимча анча вақт кетади. Улар мени кутиб, ташқарида совуқ еб қолишади.
- Малика эрининг дилидагини дарров фаҳмлади.
- Дадаси,-деди аёл аввалдан бир нарсани кўнгли сезгандек,- шу бугун ишга чиқмай кўя қолинг.
- Эрта ўтиб, индинга Ойбекнинг тўйи-а!
- Ҳа, тўй.
- Бугун топган пулларимни шундоғича тўйга сарфлайман. Куёв деган номим бор, ахир.
- Шундоқ ҳам укаларимга кўп ёрдам қиляпсиз. Бугун-эрта дам олмасангиз тўйда хизматда туриб чарчаб қоласиз.
- Тўй ўтсин. Кейин дам оламиз.
- Фарход сағир қизга уйланган, унинг қайнотаси бу дунёдан эрта кўз юмганди. Шу боис у хотинининг укаларига ўз акасидек қараб, улардан ёрдамини аямасди. Фарход "Жигули"сини юргизиб, мотори қизигунча уйга кириб, иссиқ кийимларини кийди. Хотини ундан ажралгиси келмай ортидан кўча дарвозасигача эргашиб, кузатиб борди. Аёлнинг меҳр тўла кўзлари сўнги бор эрига қадалди.
- Тезроқ келинг-а!

Қишлоқ аҳли Нурмат буванинг уйига талпиняпти. Эл қатори Фарход ҳам фотиҳа қилиш учун машинасини ўша ёққа ҳайдади. У ерда бир соатлар чамаси ҳамқишлоқлари билан сафда қўл қовуштириб турди. Кейин уни кимдир чақириб келдими ёки ўзи чиқиб кетдими? Буни ҳеч ким англамай қолди. Фарход машинаси билан Кўҳна шаҳарга кетганича қайтиб қишлоққа келмади.

## **БЕШИНЧИ ҚОТИЛЛИК**

Шаҳарнинг бош бекати... Қимирлаган жон борки ҳамма тирикчилик ташвишида. Кимдир шаҳар Деҳқон бозоридан мевачева ҳарид қилган, кимдир сабзи-пиёз сотиб олади. Учинчи бир киши эса бир қол унни аравакеш болалар ёрдамида ўз машинаси олдиғача олиб келади. Бошқа бири автобусга қараб чопа бошлайди.

Оломон орасидан икки йигит суғирилиб чиқиб, “Жигули” машинасига яқинлашди. Улардан бири Фарҳоднинг кўзига иссиқ кўринди.

- Бизларни ўтин бозорига ташлаб қўймайсизми?-деди айнан таниш юзли йигит.

Ҳайдовчи ва мижозлар ўртасида қисқагина ўзаро келишувдан сўнг Фарҳод уларни ўтин бозорига олиб борадиган бўлди. Бунинг учун у тўрт юз сўм олади. Яна бир-икки жойдаги ишлар учун алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

Машина ўрнидан бир силтаниб, ўчиб қолди. Ҳайдовчи калитни қайтадан буради. Мотор ишлай бошлади.

- Кун совуқда,-деди олд ўриндикда жой олган таниш юзли йигит,- моторни бир оз қиздириб олинг.

Фарҳод унга юзланиб: - Ака, сиз билан қаердадир илгари учрашганмиз-а,-деди.

- Бўлиши мумкин,-жавоб берди Икром. - Биз ҳам кўчанинг одами.

Фарҳод бунга жавобан жилмайди.

- Тўғри айтасиз, ака.

Машина шаҳарнинг гавжум кўчасини тарк этиб, ўтин бозорига қараб юриб кетди.

Икром ўтин сотаётган кишилар орасидан ўтиб, кўздан қочди. Унинг шериги машинада ҳайдовчи билан бирга. Улар у ёқдан, бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди. Орадан беш-олти дақиқа ўтиб, Икром ўтин бозоридан қайтиб чиқди.

- Биздан темир олган боланинг ўзи йўқ,-деди у машинанинг олд ўриндигига жойлашиб олгач. - Шеригига темирнинг пулини қишлоққа, уйига олиб боришни тайинлаб чиқдим.

- Нима қилдик?

- Ҳайронман,-афсус чекди Икром. - Уйга қайтаверамиз. Пулни уйга олиб боради. Кейин яна қайтиб келаверамиз-да. Пулсиз ҳеч ким сенга молни ушлатиб қўймайди-ку.

Икром бир муддат ўйга чўмди. Кейин “ух” тортди. Гўё диққати ошган кишидек кўрсатди, ўзини.

- Ишнинг юришмаганини қаранг, - деди ҳайдовчига, - биз ҳозир бу ердан пулни олишимиз керак эди. Аксига темир олган йигитнинг ўзи йўқ. Энди қишлоққа кетишимиз, пулни берса, яна шаҳарга қайтиб келишимиз керак.

- Балки пулни аллақачон уйга олиб бориб, бизларни кутиб ўтиргандир.

- Тўғри айтасан,-деди Икром шеригининг гапини маъқуллаб. - Кеча у биздан уйимизнинг адресини сўраган эди. Унга қишлоқнинг ўзидан темир топиб беришни ваъда қилган эдик-а!

- Яхши фойда қилган бўлса, бизни истаб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Фарҳод мижозларнинг фикр-мулоҳазаларини бўлмайд эшитиб турди.

- Энди дўстим,-мақсадга ўтди Икром,-бизлар билан қишлоққача бормайсизми? Хизматингизга яраша ҳақ тўлаймиз. Мабодо у ерда тўхтаб қолишимиз мумкин. Бунинг учун сизни алоҳида рози қиламан.

- Сизлар айтаётган қишлоқ олис эмасми?

- Йўқ, - деди Аббос. - Узоғи билан йигирма-йигирма-беш минутлик йўл, холос.

- Бориш-келиш учун бир минг беш юз сўм берамиз, - деди Икром.

- У ерда кутиб турган вақтингиз учун ҳам тўлаймиз.

Бундай мижозларни ким ҳам қўлдан чиқаргиси келади. Фарҳод рози бўлди. Мижозлар ҳар доимгидек Янги Чорсу бозоридан нон ва гўшт харид қилишди. Йигитлар алдашмаган, "Жигули" роппароса йигирма уч дақиқада Шўрқишлоқнинг чекка маҳалласидаги чекка хонадоннинг дарвозаси олдида миҳланиб қолди. Дарвозани "тарки одат-амри маҳол" деганидек яна Икромнинг ўзи ортиқча шовқин-суронсиз очди.

Ҳайдовчи оққўнгил, самимий йигит эди. У ҳаммани ўзидек биларди. Шу боис машинани тўппа-тўғри дарвозадан ҳовлининг ўртасигача ҳайдаб борди. Йигитнинг кўнглида заррача гумон ва шубҳадан асар йўқ. У ўзини ана шу тариқа қотиллар қўлига топширди.

Аббос билан ҳайдовчи машинадан тушиб, уй даҳлизининг ўнг томонидаги хонага киришди.

Ҳаёт кутилмаган тасодиф, воқеа ва ҳодисаларга бой... Ҳаммаси ана шуниси билан завқли ва аксинча, ҳавф-ҳатарли-да!

Мастура ҳеч кутилмаганда ўз хонадонида Фарҳодни учратиб, тили калимага келмай, тахтадек қотиб қолди. Ҳеч гап-сўздан беҳабар Фарҳоднинг юзида эса самимий табассум.

- Мастура, ўзингизми,-деди у,- учрашган жойимизни қаранг-а!

- Хуш келибсиз, Фарҳод-ҳод-жон,-жувоннинг ранги парда янглиғ оқарди ва эркалардан ўзини олиб қочди. Унинг ортидан Икром эргашиб чиқди.

- Сиз кимни олиб келдингиз,-шивирлади Мастура.

- Нима, бу сенга таниш бўладими?

- Синфдошим-ку!

Икром ноқулай аҳволга тушди. Лекин ишнинг бўлари бўлиб, буёғи тўзиганди. Шу боис хотинига сир бермади: - Сен менинг ишимга аралашма. Олиб келдимми, бу йигит бугун ўлади,-деди.

Эрининг вужудида қаҳр-ғазаб ўти учкунлаётганлигини, раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқлигини англаб етган Мастура бош эгишдан ўзга чора тополмади. Икром нон-чой кўтариб, ичкари уйга меҳмонларнинг олдига кириб кетди. У дарров ортига қайтиб чиққанида, хотини унсиз кўз ёшини оқизаётганди.

- Кўзингни сийдигини арт,-овозини пасайтириб дўк урди эр,-у сенга ким бўлади? Бор йўғи бир синфдош. Ёки ёшлигингда бир гап ўтганми?

- Йўқ, йўқ, асло,- бошидаги рўмолини тўғрилади жувон,- синфдошмиз, холос.

- Ундай бўлса, тезроқ пишадиган овқат тайёрла.

Икром хотинининг олдидан жилгиси келмай қолди. Билиб бўладими, ахир “ит вафо, хотин жафо”. Яна тилидан гуллаб қўйса, ҳамма ишнинг пачаваси чиқади.

Мастура “чиқмаган жондан умид” деганларидек эридан сўнги бор ялиниб сўради.

- Жон дадаси, биргина илтимосимни ерда қолдирманг, унга тегманглар.

- Сен менинг ишимга аралашма, деб бир марта айтдим-а,-деди газаб отига минган Икром. - Ўзинг биласан, менда иккита гап бўлмайди.

Икром қафасга қамалган йиртқичдек газхонанинг у ёғидан бу ёғига юра бошлади. У навбатдаги қотилликнинг режасини миясида пиштаётганди.

- Сен, -деди у юришдан тўхтаб, - анави йигит кўринишидан яхши, гаплашадиганга ўхшайди. Унинг олдига киргин. Бирга ўқиган дамларингни эслаб ўтиргин. Ахир, у синфдошинг-ку?!

Икром меҳмонлар қаторига чўкди. Бўшаган пиёлани олиб, чойнақдан чой қуйиб, яна меҳмонга узатди.

- Оббо сиз-ей,-деди меҳмон. - Айтдим, сизни қаерда учратганман деб. Почча бўларкансиз-да.

- Бу дунёда бегона одамнинг ўзи йўқ,-гапга қўшилди Аббос, - эринмай суриштирсангиз ҳамма бир-бирига қариндош-уруғ чиқади.

Даврага Мастура ҳам қўшилди. У Фарҳод билан зри айтгандек гурунглашди. Бирга ўқиган дамларини, синфдош қизларни, йигитларни бирма-бир эслашди. Уларнинг турмушларини, оиласидаги фарзандларини суриштирди. Йигит тамоман ўзини эркин ҳис этар, энг қадрдонлари орасида эканлигидан хурсанд эди. Ахир, заррача шубҳага бориш уят эмасми?

Дастурхонга таом тортилди. Инсон бу дунёдаги сўнги ризқини тановул қиляпти. Аммо буни ўзи билмайди. Меҳмонлар ширин таомдан кейин бир-икки пиёладан иссиқ чой ичишди. Икром бўшаган идиш-товоқларни газхонага элтиш баҳонасида даҳлизга чиқди. У ердан тросс-сиртмоқни шимининг орқасига жойлаштириб, қайтиб кирди. Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Аввал уй эгаси, унинг ортидан Фарҳод, учинчи бўлиб эса Аббос ташқарига чиқаётганди. Фарҳод ҳам худди Исматиллодек эшик дастасидан ушлаб, уни очмоқчи эди. Бироқ...

Мастура онасини бўзлатиб, ялинтириб, уйига тез қайтди. “Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада” деб бежизга айтишмаган-да?! Қиз ҳеч бўлмаса тушликкача дадасини кутиб ўтирмади. Иложсиз қолган оназор, қизининг тугунчасига сандиқчасидан набираларига атаб ул-бул солди.

- Тез-тез келиб тургин. Бизлар ҳам ганиматмиз,-она қизига тайинлади. - Қудаларимни, Икромжонларни сўраб қўйгин.

Аёлнинг ҳаёли уйда, эрида, қизда. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Назарида Икром ўз шериги Аббос билан қўлга тушгандек эди. Энди эрини сира кўрмайдигандек юраги безовта. Аксига олиб, катта кўчада йўловчи машина ҳам кела қолмади. Бекатдаги эркаклар, аёлларнинг оғзида бир гап. Ҳаммалари бугун ўтаётган тўй ҳеч кимга татимаётгани, сирли тарзда Фарҳоднинг ғойиб бўлганини сўзлашарди.

- Ўзи кўча-кўйдаги аёлларга тик боқмас эди, - деди қирқ ёшлар чамасидаги жувон, - айрим машинаси бор йигитларга ўхшаб учраган қиз-жувонларга кўз олайтириб, шилқимлик қилишдан ор қиларди.

- Ўша куни уни охириги кўрганим бўлди, - деди яна бири. - Фарҳод машинасини кўчасидан миниб чиқди. Боши ирғаб салом берди. У билан ва охириги мартаба саломлашибмиз.

- Худоё тавба,-гапга қўшилди бошқа бир аёл. - Балки Фарҳоджон бугун-эрта ўз оёғи билан кириб келар.

- Тавба қилдим, - деди бояги жувон, - нафасимни ел учирсин-а. Илоё, болаларининг, ота-онаси, хотинининг бахтига қаерда бўлса ҳам соғ-саломат бўлсин!

Мастура ҳамқишлоқ аёлларнинг суҳбатига қўшилишдан чўчир, суяксиз тилига ишонмасди. У ҳамқишлоқлари билан ўзи орасида ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлганини ҳис этди. Жарликни эри билан Аббос чуқур қазиганди. Аёлнинг борадиган бирдан-бир жойи қабоҳатга оотган хонадони. Шошилаётган жувонни уйда бундан-да даҳшатли воқеалар кутиб турганди.

## ХИЁНАТ

Бу узоқ вақт давом этиши мумкин эмасди. Бир кун эмас бир кун сир фош этилиши турган гап эди. “Кўза кунда эмас, кунда синади”, ахир. Бу ёруғ оламда ҳамма нарса жавобсиз қолмайди-ку? Албатта, яхшилик ҳам ёмонлик ҳам ўз навбатида жавобини олади.

Қишнинг яна бир тонгги отди. Ташқари одам танасини чақиб оладиган даражада совуқ. Икром кечаги бозордан чарчаб, хориб қайтган, ичкари уйда иссиқ кўрпага ўраниб ётганди. Дарвозанинг нариги томонида болаларнинг овози эшитилгандек бўлди. Улардан

бири Икромнинг исмини айтиб чақира бошлади. Мастура бир дам овоз эгасини таниш учун унга қулоқ солиб турди. Нотаниш. Болакай эса лайдар-пай чақиришда давом этаверди.

- Ким? Ҳозир!

Дарвоза ортида аёл кишининг ҳам борлиги маълум бўлди. Мастура эҳтиёткорлик билан ҳовлига бир-бир кўз югуртирди. Атрофда қўлга киритилган машиналарнинг темир-терсақларидан биронтаси ҳам кўзга илинмади. Уларнинг барчаси аллақачон эгалари қаторида зах ерга кўмиб ташланган эди.

- Ким,- қайта сўради, уй бекаси.

- Биз,-жавоб бўлди кўча тарафдан. - Аббос аканинг болалари бўламан.

Мастура дарвозани очди. Кўчада бир аёл, икки боланинг юзлари аёздан кўкариб турар эди.

- Икром ака уйдалами?

- Ҳа, уйдала, - жавоб берди Мастура, кейин уларни таклиф қилди.

- Йўқ, биз қайтамиз, -жавоб берди аёл. - Аббос ака сизларникида эмасми?

- Йўқ, бизникига келмадила.

- Қайси гўрларда юрибди экан-а,-юзланди аёл болаларига. - Икром акани чақириб чиқинг-чи, билишармикан?!

Аббоснинг икки кундан бери уйига бормаётгани Икромни таажублантирди. Қизиқ, у кеча бозорда бирга эди-ку?! Нега уйига бормади. Икки кундан бери қаерда бўлиши, кимларнинг уйда тунаб қолиши мумкин? Наҳот, Аббоснинг Икромдан яширган сири бор?Шамол эмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Аббос ҳам шаҳарнинг кўп қаватли уйларида биронта иссиқ жойни топиб олиб, бир жононнинг уйини “обод” қилиб ётибдимикан-а?! Икром илиқ сувда юз-қўлларини ювиб, сочиқни пешайвондаги устуннинг миҳига илди-да, кўчага чиқди.

Аббоснинг хотини Икромни танир эди. У билан ҳол-аҳвол сўрашди. Аёл ўз “дий-диё”сини бошлаб юборди. Аввал босиқлик билан бошланган тана-маломатлар бора-бора авж олди. Гапнинг мазмуни эрининг Икромга қўшилгандан бери ичкиликка ружу қўйгани-ю, уйига пул бермаслигига бориб тақалди. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, эрини милицияга беришга, орани очиқ қилишга қарор қилганини жувон яшириб ўтирмади.

Аёлнинг сўнгги сўзлари Икромнинг вужудини музлатиб юборди. Қишнинг чилласида устидан кимдир бир челак совуқ сувни қуйиб юборгандек, бутун танаси қалтираб кетди.



- Ҳозир, сингилжон, мен ҳозир,-деди Икром аёл ва болаларни ташқарида қолдириб ўзи уйга кириб кетди.

“Хотин деган ҳам шунақа аҳмоқ бўладими, - деди ўзига-ўзи Икром. - Нима бало, онаси уни қумғон қайнатиб туққанми? Жағи-жағига тегмайди. Ҳаққа бу хотиннинг олдида ип зшолмайди. Ҳаммасига сўтак Аббоснинг ўзи айбдор. “Дарахтнинг бўшини қурт ейди” дегани шу-да. Мана хотинга сир беришнинг оқибати. Унинг устидан арз қилиб келибди. Икром аёлнинг чакагини ўчиришнинг бирдан бир йўлини топганди. У уйдан ўн минг сўм олиб чиқди-да, хотинга тутқазди.

- Вой, - деди аёл пулга кўзи тушгач. - Мен сиздан пул сўраб келганим йўқ. Аббос акадан ҳавотир бўлиб келгандим.

- Кўлимни қайтарманг, - деди Икром. - Манавини олиб туринг. Мен шу бугуноқ эрингизни топиб, сизнинг олдингизга олиб бораман.

Пулниг ўтмайдиган хонаси йўқ. Аёл уяла-уяла бир боғлам юз сўмликни чўнтагига солди. Ҳижолат бўлиб, узр сўради ва ортига қайтди. Икромнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. У жувонни кўздан қочирмай дарвоза олдида кузатиб турди.

Бугун Икромнинг бозорга чиқмайдиган дам олиш куни. У шаҳарлик хотинининг олдига бормоқчи эди. Ҳеч қутилмаган жойда шеригининг ҳархашаси ёмғирдан кейинги кўзиқориндек ишнинг белига тепди. Аббос кичик боламидики, унинг юзига икки шапалоқ тортиб йўлга солгани. Тава! У ҳам беш кунлик дунё деб юргандир-да кайфи-сафо қилиб. Гапнинг очиғи, агар менинг хотиним шундай бўлганида аллақачон паттасини қўлига тутқазган бўлар эдим. Тағинам шу хотин билан муроса қилган Аббосга раҳмат!

Икром эрталабки нонуштага ҳушламай ўтирди. “Жигули”сини юргизиб, хотинига Аббосни қидириб топишини айтди.

Шаҳар бедарвоза эмас, аммо сон-саноксиз кўп қаватли уйларнинг қайси бирдан Аббосни топиш мумкин. Ана шу ўй-ҳаёлда Икром шаҳар кўчаларидан юриб, ўзи учун тайинли уйнинг олдида тўхтади. Учинчи қаватга кўтарилиб темир эшикнинг қулфига қалит солди. Кейин ёнгоқ ёғочли эшикни очди. Ичкаридан иссиқ ҳаво димоғига гуп этиб урилди. Яна қандайдир эркак кишининг қўланса ҳиди Икромнинг кайфиятини тушириб юборди. Уй бекаси ваннада чўмилаётган, хонадон эса бетартиб.

- Икром ака, ўзингизми,-деди ваннахонадан Диля, - мен ҳозир чиқаман. Сиз газга чой қўйиб туринг!

Икром жазманининг айтганини қилмади. У газхонага эмас, ётоқхонага қараб юрди. Икки кишилик диван-кроватьдаги парёстиқ, кўрпа тушаклар йиғилмаган, бир алфозда ётибди. Шунда унинг кўзи

полда ётган қизил шарфга тушди. “Буни қачон қолдириб кетган эканман?!”. Бироқ, ўз бўйнидаги қизил шарфни пайпасларкан, худди ток ургандек санчиб тушди. Қутилмаган ҳолатдан эс-ҳушидан айрилди.

- Вой, аблаҳ,-қичқириб юборди у. - Сўяман! Қонини ичаман!

Полда ётган шарф Аббосники, уни Янги бозордан Икромнинг ўзи сотиб олганди. Ушанда татар аёллардан икки дона харид қилиб, бирини дўстига берганди. Кеча бозорда шарфни Аббоснинг бўйнида кўрганди. Бугун эса у полда, Дилянинг ётоқхонасида ётибди.

- Диля, Диля,-Икром жон-жаҳди билан ваннахонанинг эшигини муштрай бошлади. - Оч эшикни, оч!

Аёл вазиятни аллақачон англаб етган, шу боис эшикни ичкарасидан тамбалаб олганди.

- Оч эшикни қанжиқ!

Диля Мастура эмас, анча-мунчага Икромдан кўрқмасди.

- Ўзингни бос,-деди эшик ортидан Диля, - сочимнинг бир дона толасини юлиб кўр-чи? Холингга маймунлар йиғлайди. Мен сен айтганлардан эмасман. Тўрт томонинг қибла. Эшикни ташқаридан ёпда, изингни ҳам кўрсатма.

- Қанжиқ,-деди Икром кейин қўлидаги калитларни улоқтириб, ўзи пастга тушиб кетди.

Кўчада учраган ҳар бир киши қаери биландир Аббосга ўхшаб кетаверди, Икромнинг кўзига. Унинг фикри-ёдини бир нарса чулғаганди. Тезроқ хиёнаткорни учратиш, уни бир ёқли қилиш керак эди.

“Нима учун?”, “Нега?” деган саволлар Икромнинг ич-эттини тирнар, қаёндек чақарди. Заҳар бутун танасини ўртаб юборди.

- Аббос, Аббос, - такрорларди ўз ёғига ўзи қоврилаётган Икром,- қаерга йўқ бўлдинг, Аббос.

Аммо одам боласи ўзидан ўтганини билмайди-да. Ўртага тушган мўмай даромаддан Аббосни Икром анча қисиб келаверди, келаверди. Охир-оқибат Аббос тенг шерикликнинг ўзига хос йўлини топди. Бу ўзи учун анча хавф-ҳатарли бўлса-да, Икромдан қасд олишнинг бирдан-бир чораси шу эди.

Аббос унча узоқ кетиб улгурмаганди. Бу хиёнаткорнинг умрига фойда берди. У автобекатда, йўловчи машина пойлаб турган нотаниш кишилар орасида эди.

- Ювиқсиз қўлингни торт,-деди Икром заҳархандалик билан. - Шарфинг қани, мараз?

Аббос каловланиб қолди. Ҳавода муаллақ қолган қўлларини тортиб, ўзи ҳам ортга тисарилди.

- Сен, ҳароми, ифлос кўлинг билан менинг товоғимдан ош еяётганингни билмай юрган эканман,-деди, - иккинчи кўзимга кўринма. Кўринсанг бошингни сапчадек узиб ташлайман. Сен билан ора очик, уқдингни?!

Икром машинасига ўтириб, серкатнов кўчадаги оқимда ғойиб бўлди. Аббос ён-верига қаради. Ўзига келиб олиш учун "Бир зумда" дўкончасига қараб юрди.

## ОЛТИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Қиш ўтиб, баҳор бошланди. Март ойининг биринчи куни... Кўёш эрта тонгда тандирда ёпилган ширмон нондек қизариб уфқдан бош кўтарди. Қишлоқ аҳли аллақачон баҳор нафаси билан яшай бошлаган. Кимдир кетмонини елкалаганча далага, яна кимдир кўчат экиб боғ барпо этиш иштиёқида отланган.

Офтоб чошгоҳга кўтарилганида Зокиржон омборхонасидан белкурак олиб чиқди. Бугун унинг дам олиш куни. У туман марказий шифохонасининг тез тиббий ёрдам бўлимида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Бир кеча-кундуз ишлаб, икки кун дам олади.

Зокиржон ҳордиқ кунларида уй-рўзгордаги оғир-енгил юмушларни тахт-тиндириб қўйишга одатланганди. Шунинг учун у баҳорнинг илк кунидеёқ томорқасини шудгорлаб қўйишни афзал билди. Бир парча ерга картошка, пиёз, сабзи, помидор экиб қўйилса, ҳа деганда бозорга чопилавермайди.

Ер аини оби-тобида кўпчиб, бамисоли қозонда дам ёган гурундек. Бу йигитнинг ғайратига-ғайрат кўшади. У астойдил ишга киришиб кетди. Бир зумда анча жойни ағдариб ташлади.

Зокиржоннинг бир яхши одати бор. Бу бутун қишлоққа маълум. У ҳам бўлса ҳожатбарорлиги. Ҳамқишлоқларининг ҳар қандай илтимосларини ерда қолдирмас, имкон қадар ёрдам беришга тайёр эди.

- Ака, жоним билан ташлаб қўярдим, - деди у акасига, - машинанинг орқа балони чатоқ. Кеча дами қўйиб юборганди.

- Меникида ташлаб кела қол!

Зокиржон белкуракни ерга санчиди. У акасининг илтимоси бўйича уни ишга элтиб қўядиган, бира тўла машинасининг балонини яматиб келадиган бўлди.

- Жон ука,-кўнгли бир нарсани сезгандек деди Собиржон укасига,-машинанинг аҳволини кўряпсан. Зўрга инқиллиб юряпти. Уни эртага устага кўрсатишим керак. Ҳеч қаерга бурилмасдан тўғри уйга боргин.

- Ҳўп.

Ука акасининг гапини қайтармади. Бироқ, ортга қайтишда Зокиржонга шайтон ҳамроҳлик қилди. У одам қиёфасига кириб,

машинанинг орқа ўриндиғига жойлашди. Соддадил, одамшинаванда йигит, одам қиёфасидаги бир эркак ва ўрғочи шайтонларнинг найрангига лаққа тушганди.

- Шаҳаргача ташлаб қўйсангиз олти минг сўм берардик, - деди нотаниш киши. - Жуда борса бир, бир ярим соатлик йўл-да.

- Тўғри, - деди ҳайдовчи. - Аммо машинани устага кўрсатиш керак-да.

- Жон ака,-ялина бошлади аёл. - Уйда қари онам қолганди. Келаётганимда иссиғи кўтарилганди. Марказга бориб, киракаш машина топгунимизча анча вақт кетади. Йўқ деманг, жон акажон!

Пулдан кўра аёлнинг жовдираб турган жоду кўзларига Зокиржон чиппа-чин ишонди. Дарё кўприги, бир-бирига туташ далалар, боғроғлар, қишлоқлар ортда қола бошлади.

- Машинангизнинг салнигини тортиш керак экан-а,-деди Икром.

- Машина акамники,-жавоб қайтарди ҳайдовчи,-ўзимники уйда. Орқа балонининг дами қўйиб юборганди. Акамни ишга ташлаб келаётиб сизларга рўлара келдим. Сиз машина тузатишни биласизми?

- Ҳа, оз-моз шуғулланиб турамиз,-деди мижоз. - Сешанба, шанба кунлари бозорга чиқиб, запчасть сотаман. Бошқа кунлари машина чуқилаймиз-да, ака!

Кутилмаганда устанинг оёқ остидан чиқиб қолгани ажойиб иш бўлди-да. Эртага акаси ишдан қолиб машинасини устага кўрсатиши керак. Ундан кўра бу ишни ҳозир, шу бугуноқ қилиб қўйса, қандай яхши. Бундан акаси жуда хурсанд бўлади-ку!

- Агар майли десангиз клапан билан салнигини тортиб берардим.

- Қанча вақт ичида бўлади?

- Бир, бир ярим соатлар ичида кўриб беришим мумкин.

- Битта ўқ билан икки қуённи урадиган бўлдингиз,-гапга қўшилди орқа ўриндиқда келаётган аёл.

Зокиржон билан Икром аёлни Кўҳна шаҳарнинг кўл қаватли бинолари олдида қолдириб, ўзлари Шўрқишлоқ томон машина рулини бурдилар.

Ҳар бир қишлоқ болаларининг ўзига яраша баҳорги ўйинлари бўлади. Қайси бир қишлоқда болалар осмонга варрак учиради. Бошқа бир қишлоқ болалари қўйнинг териси ва жунидан бир парча қирқиб олишади-да, ланка тепишади. Яна бир қишлоқ болалари чиллак ўйинига берилишади.

Икромнинг катта қизи маҳалла қизларига қўшилиб, беш тош ўйнаётганди. Мастура уни узоқдан таниб, болаларга ҳавас билан қараб турганди.

- Келин ойи, сизни Икром акам чақиряптилар,-деди Раъно.

Раъно овсинининг қизи. Аёлни бир зумда болаликнинг бегубор ширин ҳаёллари тарк этди. Уни энди тамоман бошқа ҳис-туйғу, разолат ва қабоҳатга чирмашган ўй ўз қомига тортди.

Икром билан нотаниш киши машина қовлаш билан овора.

- Келдингизми, онажониси, - деди Икром, - дарров бизга чой қўйиб юборинг.

Аёл нотаниш кишига салом берди. Бегона одам ҳам у билан қисқагина ҳол-аҳвол сўрашди.

Ҳаммаси бир маромда кетаётганди. Икром "Жигули"нинг олд капотларини очди. Ҳаво қоққоғини олди, карбюраторини тозаллади. Машинанинг клапан-салнигини алмаштиришда давом этди. Бироқ, уни жойига қўяётганида бирдан сухариги отилиб кетса бўладими?

- Сизга айтдим-а, - деди Икром меҳмонга, - иш қочиб кетмайди. Аввал чой-пой ичиб олайлик, деб.

- Ким билади дейсиз,-астойдил қидира бошлади Зокиржон. - Ўзи игнанинг учидек буюм.

Икки-уч қадам нарида тупроққа беланиб ётган сухарикка Икромнинг кўзи тушди. У ҳайдовчига билдирмай сухарикни оёғи билан босиб, баттар тупроққа қориштириб юборди. Зокиржон бўлса бошқа томонни ахтариш билан овора. Кун эса тобора кечикиб боряпти. Қуёш қизариб, ўз ётоғига бош қўя бошлади.

Зокиржон аро йўлда қолди. Машинани ташлаб, ўзи уйга, ортга қайтиб борсамикан? Йўғ-э, бегона жойда машинани қолдириш яхши эмас. Ўзиники бўлса ҳам майли эди? Акасиники-ку. Унинг олдида нима деган одам бўлади?

Атроф қоронғулашди. Кўршапалак уча бошлади. Мусофир киши чиқмаган жондан умид деганларидек гугурт ёқиб сухаригини қидиришда давом этди.

- Ака, - деди Икром, - эрталаб биронта устахонадан ўзим сухарик олиб келаман. Бугунча бизникида ётиб қолаверасиз.

- Уйдагилар ҳавотир олишади-да,-дедиЗокиржон,-бунинг устига бу ерда қолсам қалай бўларкин!

- Худога шукр, кўнглимиз кенг,-деди мезбон қўлини кўксига босиб,- уйимизнинг тўри сизники! Ҳеч ҳижолат бўлманг , акажон!

- Шундайкуя, - деди мусофир,- сизларни овора қилиб қўяманми?

- Жуда ажойиб экансиз-да, ака,- илтифотни ўрнига қўйди мезбон,- бизни деб шунча йўл босиб келдингиз. Сиздан бир кечага уйимиздан жой топиб беролмасак. Қандай бўларкин!

- Майли, қолсак, қолибмиз-да,-кўнди меҳмон,- бир кун минг кун бўлмайди-ку!

Хуллас, меҳмон билан мезбон алламаҳалгача у ёқдан, бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди. Меҳмоннинг кўзларини уйқу элта бошлади.

У ора-орада хомуза тортар, мезбоннинг гапани ҳар замонда боши билан маъқуллаб қўярди.

- Меҳмон ака, сизга жой қилиб берсинми?

- Йўғ-э. Шу ернинг ўзи қулай.

Зокиржон астойдил ёнбошлаб уйқуга кетди. Икром ўрнидан турди-да, даҳлиздаги тросс-сиртмоқ ва болға билан қуролланди. Хотини унга кўзларини қадади.

Зокиржон ширин уйқуда... Унинг олдига бир қўлида тросс-сиртмоқ, иккинчи бирида болға тутган Икром яқинлашмоқда. Унинг ортидан эса оёқ учида жувон келаётганди.

\* \* \*

Машойиҳлар “Ёғ ялаганда ёт, қон кечганда қариндош” деб бежизга айтишмаган. Аббоснинг хиёнати дўстига анча қимматга тушди. Боз устига Мастура тез-тез дардга чалинадиган бўлиб қолди. Унинг касали оддий эмас, тун билан мижока қоқмай чиқади. Кундуз куни бир-икки соат ухлаб олади. Кейин яна дарди қўзғайди. Уз-ўзидан йиғлай бошлайди. Баъзи ҳолларда ўзига-ўзи гапириб чиқади. Сочларини ёйиб, тўзитиб олади. Дардисар хотин Икромнинг хунобини оширди. Унинг жавобини бериб юбориш... Ҳе йўқ, асло мумкин эмас. Бу ўлим билан баробар-ку?

- Садақа балони қайтаради, деганлар,-ўйлай бошлади Икром. - Бирон кишига беш-тўрт сўм берсакмикан?

У ўйлай-ўйлай охири ана шундай кишини топди. Бу қишлоқ қабристонининг гўркови эди.

- Амаки,-деди ташрифнинг муддаосига кўчиб. - Хотиним оғир дардга чалинди.

- Дўхтир - табибларга учрадингми?

- Йўқ. Дарди эскичага ўхшайди.

- Унда домла-имомга дам солдиргин.

- Аввал сиздан маслаҳат, йўл-йўриқ олай дегандим.

Икром хотинининг касалини, дарди қандай қўзишини гўрковга айтиб берди.

- Хотининг қандайдир арвоҳдан қўрқяпти.

Калаванинг учи топилгандек эди. У чўнтагини ковлаштириб, беш-олти юз сўми гўрковга узатди.

- Нималар қиляпсан, Икромбой?

- Олаверинг, мингдан-минг розиман, - деди у. - Оз бўлса-да, қўп ўрнида кўрасиз. Хотиним соғайиб кетса, яна бошқа келаман.

Тун яримлади. Кўқда ой муаллақ сузади. Кеча сутдек ойдин. Икром мижока қоқмаётган хотинини ташқарига, ҳовлига бошлаб чиқди. Томорқадан беш-олти боғ ғўзапояни ҳовлидаги ўрик остига ташиди. Кейин қўлига кетмон олиб, девор остига борди. Қишлоқ

тинч, осуда уйқуда... Осмон тўла юлдуз... Фақат нариги маҳаллада сумалак пишираётган хотин-қизларнинг товуши элас-элас кулоққа чалинади. Икром эҳтиёткорлик билан ер остидаги мурдаларнинг бирини тортиб, ташқарига чиқарди.

- Ёрдамлашиб юбор, - деди у хотинига.

Мастура сўзсиз эрининг буйруғини бажарди. Эр-хотин майитни кийим бошлари билан ўрик остидаги тахланган гўзапоя устига ётқизишди. Эр титрай-титрай гугурт ёқишга муваффақ бўлди. Бензин сепилган гўзапоя ва одам танаси олов ичида қолди.

Аланга тобора кўкка ўрлай бошлади. Юлдузлар қора тутун орасида бир кўриниб, бир кўринмай кетди. Мастуранинг нигоҳи бир нуқтага қадалган, кўзлари тутуннинг аччиғиданми, оловда ёнаётган жонсиз инсоннинг танасига ачинишданми, ҳар қалай ёшланди.

Икром бу билан чекланмади. Унинг эндиги вазифаси ҳиндларга хос эди. У ёниб кулга айланган тана ва суяк қолдиқларини бир жойга тўплади. Қопга солиб, дарёга оқиб тушадиган “Бомба” каналига ташлаб юбориши керак. Икром бу ишни ярим тунда ниҳоясига етказди.

## ЁЛФИЗ АЁЛ

Ҳафтанинг пайшанбаси улуг кун саналади. Шу куни ёлгон дунёни тарк этиб, чиң дунёга ўтганлар ўз яқинлари томонидан бир-бир ёдга олинади. Ўтганларнинг руҳи-поқларига дуо ўқилади. Мана икки ойдан ортиқ вақт ўтдики Равшандан ҳеч қандай дарак бўлмади. Унинг яқинлари аро йўлда қолишди. Бироқ, бу ёлгончи дунёдан ҳамма умид қилиб яшайди. Ҳаётда нималар рўй бермайди дейсиз?

- Ноумид бўлманглар, -тасалли беришарди ҳамқишлоқлари. - Ким билади. Балки, Россияда юргандир. Эрта ўтиб, индинга ўзи катта пул билан кириб келар.

- Илло айтганингиз келсин,-дерди қариндошлар. - Уч норасида гўдакнинг бахтига қуруқ бўйи пулсиз кириб келса ҳам майли.

Қозондаги таом совиди. Ҳамон отадан ҳеч қандай хабар бўлмади. Аёл ноилож ўчоқ бошига борди. Қозоннинг қопқоғини истар-истамас очиб, дам товоқни кўтарди. Паловни бузди. Ундан бир коса насиба олиб, ўраб қўйди. Қолганини чарқига сузиб, дастурхонга тортди. Ўртадаги ош бир неча дақиқа мустар бўлиб қолади. Ундан насиба олишга ҳеч ким шошилмасди. Чунки “сув кичикдан, ош каттадан” деган нақл бор-да. Оиланинг каттаси эса дастурхон бошида йўқ.

- Олинглар,-деди она ўз болаларига,- олинглар.

- Бошлаб беринг.

Аёл чарқидаги таомга қўлининг учини олиб бораётгани.

- Ойижон, дадажонимни кутайлик!

Захронинг ялинчоқ, маънос кўзларига онанинг бардоши етмади.

Ўртадан қўлини тортиб олди.

- Сизлар менга қарамай олаверинглар,-деб ўзи ўчоқ бошига чиқиб кетди.

*Еганин ош деманг ёлғиз аёлнинг,*

*Шайтон товоғига қўлин солади.*

*Дастурхон бошида дадасин кўмсаб.*

*Ё ўғли, ё қизи йиғлаб қолади...*

Аёлнинг кўзларидан қуйилаётган ёш, икки ёноғини ҳўллади. У дод солиб йиғлаб юборишдан чўчиб, рўмолининг учини маҳкам тишлади. Бутун аламини қора қозонни ювиб тозалашдан ола бошлади. Шу пайт кўча дарвозаси томонидан кимдир чақиргандек бўлди. Аёлнинг бутун вужудини қандайдир кўрқув ва ҳаяжон эгаллади. Назарида кимдир эридан хушхабар олиб келгану, тезроқ кўчага чиқмаса, ўша хушхабар яна ортига қайтиб кетадигандек. Жувон коса-товоқларни чала ювган бўйича қолдириб, ўзи кўчага чиқди.

Ташқарида маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Тошпўлат амаки билан икки нотаниш йигит суҳбатлашиб турарди.

- Келинлар,-деди аёл қимтиниб,- уйга киришлар.

Тошпўлат амаки гапни олисдан бошлади.

- Дилором,- деди у,- болаларинг билан тинчгина ўтирибсанми?

Қийналмаяпсанми, бир ўзинг?

Аёл маҳалла оқсоқолининг барча саволларига бирма-бир жавоб қайтарди.

- Дилором,-давом этди вазминлик билан Тошпўлат амаки.- Ўзинг тушунган аёлсан. Мен сени биламан. Отанг-онанг яхши одамлар. Сени ҳам эсинг кўп,- оқсоқол тамоғини қириб давом этди,- айрим гапларимни кўнглинга олмайсан. Буёғини ўзинг тушунасан! Мабодо эринг айрим йигитларга ўхшаб йўлдан адашиб, Афғонистондагиларга кўшилиб кетмадимикан-а?!

Жувоннинг кўз олди қоронгулашиб, қулоқлари ҳеч нарсани эшитмай қолди. Дунё кўзига тор кўриниб, томоғида аччиқ нарса туриб қолгандек бўлди.

- Йўқ, йўқ, асло ундай эмас, - аёлнинг тилига бошқа сўз келмади.

- Ундай кишиларга қўшилмайдилар.

Хўроз қичқирди. Тун ярмидан оғди. Аёл киприк қоққанича йўқ. У қандай қилиб ухлай олади. Ёстиқдоши, умр йўлдоши икки ойдан

---

\*Жумагул Суванова шеъри.



бери уйга келмаяпти. Тошпўлат ака бир нимани билади. Аммо айтишга журъат эта олмади. Наҳотки зри ҳам йўлдан адашганлар қаторида Афғонистон ёки Тожикистонда?! Йўқ, асло ундай эмас. Унинг кўзига уйқу келармиди?!

*Тунларин тинч деманг ёлғиз аёлнинг,*

*Йўқотган уйқусин излаб толади.*

*Алахлаб дадасин чақирса қизи,*

*Аламдан ёстигин тишлаб олади.*

Тонг отди. Бугун янги ўқув йили бошланадиган кун. Барча қатори Равшанжоннинг кичик ўғли Самаджон ҳам мактаб остонасига қадам қўяди. Дадасининг йўқлигини билдирмаслик учун Дилором ўғлига атаб, Янги Чорсу бозоридан янги-янги мактаб формаси сотиб олди. Шундай бўлса-да, оилада отасининг ўрни билинди

- Ойи, - деди мактабга кетиш чоғида бола. - Менга ҳам минг сўм пул беринг. Фарруҳ дадасидан олди-ку!

Боланинг маъюс кўзлари, ўксик кўнгли, аёл қалбини тешиб юборади.

## САККИЗИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Ҳаёт инсон тузган режаси бўйича бўлавермайди! Икромнинг ҳафсаласи пир бўлиб, хотини билан ортига қайтаётганди. Улар истаристамас икки шаҳар оралиғида қатнаётган “РАФ” машиналарининг бирига ўтиришди.

Жаббор ака нуфузли идорадан чиққан комиссия аъзоларининг бирини ташлаб, ўзи уйига ўтиб кетмоқчи эди. Шундай ҳам бўлди. Бироқ, йўл четидаги бекатда Жаббор аканинг тақдирига эр-хотинни учратиш ёзилганди.

- Мен йўлда қоламанда. - деди Жаббор ака нотаниш йўловчиларга.

- Майли, - шошиб машина эшигини очди Икром, - у ёғига бирор нарса чиқиб қолар.

- Ўтиринглар, - деди ҳайдовчи, - олд ўриндик синган. Илтмос, орқага ўтиб олинг.

Икром жойини ўзгартирди. Қўлидаги сумкасини эҳтиётлаб, оёқлари орасига қўйди. Унинг ичида қизалоғининг лозимчаси, кўйлақларидан ташқари, қирқма милтик, тросс-сиртмоқ ва темир-трубадан махсус тайёрланган тўқмоғи ҳам бор.

- Кеч қолибсизлар, - гапга тушди ҳайдовчи машина озгина йўл юргач. - Меҳмондан келяпсизларми?

- Ҳа, жуда кеч қолдик,-жавоб берди йўловчи. -  
Меҳмондорчиликни ўрнига қўймагунча руҳсат беришмади.

- Нимасини айтасиз, ука! Ажойиб халқда.

“Жигули” шаҳарга кириб борганида атроф қоронғулашиб қолганди. Шаҳарда деярли киракаш машиналар кўринмасди. Жаббор ака эр-хотинни ора йўлда сарсон бўлаётганлигидан ҳижолат чека бошлади. Айниқса, жувоннинг “уйда ёш қизалогим қаровсиз бир ўзи қолди” деганига ич-ичдан раҳми келди.

- Жон амаки, - бўзлай бошлади жувон. - Йўқ, деманг. Хизмат ҳаққингизни ошириб берамиз.

- Мен киракаш эмасман, - жавоб берди аёлга Жаббор ака.-  
Бироқ, сизларни элтиб қўйишга бензиним етармикан!?

У машинанинг ёнилги идишдаги бензинни ўлчаб кўрди.

- Қани ўтиринглар-чи,-кўнгилчанглигига борди ҳайдовчи, -  
бензинни йўлдан куйиб олармиз.

Улар йўлга тушишди.

\* \* \*

Уфқ ёриша бошлади. Аёл тунни бедор ўтказди. Унинг эри ишдан қайтиб келмади. Ҳаёл, Раъно опани ҳар ёққа олиб қочди. Узоқ йўл-да! Йўл-пўл-да бирон-бир кор-ҳол рўй бермадикин-а?! Жувон кўчанинг у юзидаги қўш тавақали дарвозадан ичкарига мўралади. Ҳовли саҳнига аллақачон сув сепилиб, супириб қўйилганди. Бироқ, ҳеч ким кўринмади. Аёл бир-икки қадам ичкарига кирди.

- Ака!

Жувоннинг товуши мунгли, маъюс айни чоғда синиқ эшитилди.

- Ака!

Аёл овозини бироз баландлатди.

- Ҳу-у-в! Ҳозир!

Оғил тамондан кимдир товуш қилди. Келин сигирни соғиб бўлганди. У қозикдаги бузоқни бўшатиб, ўзи челақдаги сутни кўтариб, ҳовли саҳнига юра бошлади. Даҳлиз эшиги очилиб, ичкаридан эллик беш-олтмиш ёшлар чамасида аёл чиқди.

- Келинг, Раънохон,-деди аёл ва унга пешвоз юрди.

Уйқусизлик, айниқса, бесарамжонлик Раъно опани анчагина толиқтириб қўйганди. Унинг юзлари, кўзлари, қавақлари силлиқиб қолганди.

- Раънохон, айланай,- овсинидан ҳавотирланди Раҳима опа,-  
тинчликми, тобингиз қочдими?

- Йўқ, - жавоб қайтарди жувон, -укангиз ишдан қайтиб келмадилар.

- Товба, қаерда қолдикин-а?!

- Туни билан йўл қарадим, - аёлнинг кўзлари ёшланди, -ана келар дейман йўқ, мана келарми дейман йўқ.

- Даданг қаердала, - Раҳима опа келинидан сўради.

Келин челакни ерга кўйиб, ўзи Раъно опа билан кўришишди.

- Боғдала!

- Хой, дадаси, - турмуш ўртоғини чақириб, боғ томонга юра бошлади аёл, - қаердасиз?

Юсуф ака узоқ йил ҳар хил соҳаларда, раҳбарлик лавозимларида ишлаб, нафақага чиққанди. Эл-юрт ўртасида катта хурмат - этиборга сазавор бўлган киши. Ҳаётининг қолган дамларини набиралари даврасида, маҳалла аҳли ўртасида ўтказишга қарор қилганди.

- Эркак киши кўчанинг одами, - деди у аёллар келтирган хабардан ташвишланаётган бўлса-да сирни бой бермай,- идорада иш кўпайиб қолгандир. Комиссиямиз бор деяётгандек бўлганди.

- Илоҳим,- Раъно опа ўзини тута олмади. Кўзларидан шашқатор ёш куйилди. - Болаларнинг бахтига...

Юсуф ака келинининг кўнглини кўтарди. Раҳима опа овсинини кўчагача кузатиб чиқди.

- Қизиқ,-деди ўзига-ўзи Юсуф ака, - Абдужабборнинг бунақа одати йўқ эди. Тинчликмикин?!

Юсуф ака ўғли Ботиралини ҳузурига чорлади.

\*\*\*

- Нега боришмади,-елка қисишди идорадагилар,-тушдан кейин Марказдан келган икки комиссияни олиб чиқиб кетганди-ку!

Марказ қочиб кетмаган. У ёққа бир соат,бу ёққа бир соат. Боринг, уч соат вақт кетади. Уч соатда Катта шаҳарнинг тубига етиб борса бўлади. Вазият борган сари чигаллашиб, юракка қил сиғмай қолди.

- Комиссияларинг қайси идорадан келганди, - сўраб олди Юсуф ака ҳисобчилардан.

- Қишлоқ хўжалик бошқармасидан!

Идорадагилар текширувчиларининг исми-шарифигача тўлиқ айтиб беришди.

- Тўғри,-тасдиқлашди у ердагилар ҳам, -кеча бизларни идорага ташлаб, эрта кундаёқ уйга кетганди. Тинчликми?

- Ҳа, тинчлик, тинчлик,- жавоб қайтарди Юсуф ака,-укам уйга бормабди.

- Машинанинг балони уринган экан, - аниқлик киритмоқчи бўлди идора ходимлари, - Йўлда отиб юбордимикин-а?!

Юсуф аканинг кўнглига бир гап келди. Аммо уни юзага чиқармади. Билиб бўлмайти-да! Укаси комиссияларнинг кўнглини оламан деб оз-оз ичиб олган бўлиши мумкин-да! Катта йўл! Давлат автомобил назорати ходимлари машинани тўхтатиб, тортиб қўйган бўлиши мумкин!

- Йўқ,- жавоб беришди вилоят йўл патрул хизмати ходимлари,- бизда сиз айтган рақамдаги "Жигули" машинаси йўл ҳаракат ҳодисасини содир этмаган.

Ака укасини излаб, кунни кечиктирди. Бироқ, у ҳақда ҳеч қандай кўнглини ёриштирадиган ҳушxabар топа олмади. Кунни билан тамоғидан бир културм сув-таом ўтмай, жигарини излаб толиққан Юсуф ака, мўъжиза рўй беришини жуда-жуда истаётганди.

\*\*\*

Юсуф ака қишлоққа оқшомда кириб борди. Қишлоқ чеккасидаги хонадоннинг дарвозаси ланг очиқ. Ҳовлида ўзидан из қолдирган "Жигули" йўқ эди. Ҳовли саҳнига қишлоқнинг катта-кичиги, қариндош-уруғ, кўни-қўшнилари жам бўлишганди. Ҳамма гам-ғуссага ботган куйи Юсуф акага юзланди.

- Сабр қилайлик-чи,- дейди Юсуф ака,- болаларнинг бахтига...

Уч кундирки, Жаббор ака уйига қайтмади. Унинг изсиз йўқолгани кутилмаган ходиса бўлди. Қишлоқ аҳли оёққа турди. Ҳамма жабрланганларга ёрдам беришга ошиқди. Кимдир енгил машинасида Марказга, яна бир одам бошқа ёққа қараб жўнади. Учинчи бир гуруҳдаги кишилар дашт-биёбонлардан Жаббор акани қидиришга тушди. Кўча дарвозаси олдида икки жувон пайдо бўлди. Уларнинг қўлларида кичкина тугунча.

- Ноумид бўлманглар,- деди юзида катта холи бор аёл,- ноумид шайтон!

- Илоё айтганингиз келсин,- дастурхон ёзди уй бекаси,- худодан сабр қилиб кутяпмиз.

Меҳмонларнинг ҳар иккиси ҳам фолбин аёллар эди. Улар навбатма-навбат фол очиб, Жаббор ака ҳақида янги маълумотларни айта бошладилар.

- Раънохон эрингиз тирик,- деди тўладан келган жувон,- уни қоронги уйда сақлашмоқда. Кўзимга кўринди.

- Вой ўлмасам,- куйиб-пишади аёл,- эримни нега қамашади?

Унинг ҳечам айби йўқ эди-ку?!

- Йўк,- деди сир фош бўлишдан чўчиган фолбин , - фақат мушқули бироз оғир! Бир-икки кунда ўзи уйга кириб келади.

Яхши хабар аёл қалбини қордек эртиб юборади. У ичкари уйга киради-да сандиқ титкилашга тушади.Бир эмас , икки кийимлик тоза кўйлақдан олиб чиқади. Фолбин аёлларнинг елкасига ташлайди. Жувонлар Раъно опани узоқдан-узоқ дуо қилади Қайтиб кетишлари учун йўл кира ҳам олади. Орадан бир кун ўтиб , фолбинлар яна пайдо бўлишади. Улар Жаббор ака ҳақида яна каромат қила бошлайдилар.Яхши гап , яхши-да! Фаришталар омин деса , Жаббор ака фолбинлар айтганидек ўзи юриб келади.

\* \* \*

Ўн учинчи кун... Ҳали тонг отмаганди. Ўн икки кундирки барча бесарамжон, безовта. Асқаржон қандайдир илоҳий шарпадан кўзини очди. Шарпа йигитнинг кўнглига Кўҳна шаҳарнинг бозорига боришга ундади. Бу Жаббор аканинг руҳи эди. Йигит даст ўрнидан турди. Юз-қулларини ювиб, онасига бозорга боришини айтди.

Бозор ўз номи билан бозор-да! У ерда фақат пул ҳукмронлик қилади. Кимнинг чўнтаги бақувват бўлса, ўшанинг қадди худди гозларникидек тик юради. Машойихлар “Пул бўлса чангалда шўрва”, деб бежизга айтишмаган, ахир. Пул бўлса бозордан одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани топса бўлади. Фақат киссада мулла жиринг бўлса бас.

Расталардан бирида сотилаётган машина эҳтиёт қисмлари орасидаги “Жигули”нинг олд буфери Асқаржонни диққатини ўзига тортди. Йигит буферни қўлига олиб кўрди. Сотувчи йигитдан унинг нархини сўради.

- Озгина ками бор,-деди сотувчи ҳаридорга.

Юзлар, кўзлар бир-бирига тўқнаш келди. Буфер Асқаржоннинг кўзига қандай таниш туйилган бўлса, Асқаржоннинг юзи Икромга шу даражада иссиқ кўринди. Қайдадир учрашган-у, эслай олмади. Харидор буферни қайтиб жойига қўйди. У растадан бир неча қадам узоқлашди. Аммо кетмади.

Икромнинг тиззалари қалтираб, оёқларидан мадор кета бошлади.

- Фахриддин ака,-деди кўрқув, ҳадик ва ҳаяжонини боса олмаган Асқаржон шеригига, - Бояги буфер бизнинг машинанинг буфери.

- Қаердан танидинг?

- Мен уни дрель билан тешдиргандим.

- Қўйсанг-чи?

Асқаржон адашмаган эди. Бу орада Икром ҳам кўзига иссиқ кўринган йигитни эслаб улгурди. У сўнги "Жигули"дан олинган, кейин ёқиб юборилган, ҳайдовчилик гувоҳномасига ёпиштирилган суратидаги йигитнинг ўзгинаси эди. Вазият ҳар тарафлама қалтис. Икром вужудини эгаллаб олган кўрқувни сигарета чекиб, унинг тутуни билан боса бошлади. Ким аввал пайтдан фойдаланади. Бозор эса тобора қизиқ, оломоннинг гала-говури кучайиб бормоқда эди.

Асқаржон бозорда ўзи билан келган туман жиноят қидирув бўлими ходимларини ёрдамга чақирди. Бу орада Икром молларини жияни Шерзодга қолдириб, ўзи қаёққадир равона бўлди.

- Бояги буфер қани?

Шерзод ҳеч нарсага тушунмай харидорлардан сўради.

- Қанақа буфер, қайси буфер?

Асқаржон буферни қўлига олиб, шерикларига кўрсатди.

- Нарсаларингни йиғиштир,-деди жиноят қидирув бўлимининг ходими, кейин чўнтагидаги ҳужжатни олиб ичини кўрсатди.- Гапни кўпайтирмай нарсаларингни тезроқ йиғиштир.

- Ака, бу нарсалар меники эмас,-деди кўрқиб кетган Шерзод, - фақат бирпасга кўриқлаб турибман, холос.

- Унда кимники?

- Акамники.

Икром кўшни растага ўтиб, вазиятни зимдан кузатаётган эди. Таниш юзли йигит машинанинг эҳтиёт қисмларини бирма-бир қўлига олиб, кейин ёнидагиларга тушунтиряпти.

- Бўлди, - деди қатъий жиноят-қидирув бўлими ходими Шерзодга.

- Нарсаларингни йиғиштир.

Шерзод кўрқувдан дағ-дағ титраб, темир-терсақларни қопларга жойлади.

- Қани бошла,-деди милиция ходими. - Қайси йўл олиб боради, Шўрқишлоққа?

## ХОТИМА

*Икром ва унинг ҳамтовоқлари... Бу ҳақда аниқ бир маълумот беришга ожизман. Эшитганларим эса турлича. Бир-бирини инкор этувчи далиллардан иборат. Кимдир "жиной гуруҳ аъзолари қўлга олинган" деса бошқалар умуман ўзгача фикрни билдиришади.*

*Хуллас, ўша кун Икром бозордан нари уйига қайтиб бормаган. Шерзод жиний-қидирув ходимларини Икромнинг уйига туғри бошлаб борган. Шу тариқа сирли саккиз қотиллик фош этилган. Орадан бир кун ўтиб, Шерзод ёш жонига қасд қилган. Айтишларига қараганда унинг ўлимида яна бир сир яшринган эмиш...*

*Шўрқишлоқдан сўнгги эшитганларим қуйдагича: Қишлоққа кўк ранга бўялган, ойнакларигача темир панжаралар қопланган уйли машина бир ҳафтадан ортиқ қатнаган. Машинанинг рўлида ҳам, уни кўриқлаб кузатиб бораётган енгил машиналарда ҳам милиционерлар... Уйли машинанинг темир эшиклари шарақлаб очилиб, ундан соч-соқоли қордек оппоқ икки махбус ерга сакраб тушади. Улар мункайиб, ўз қилмишларига кўрсатма беришади.*

*- Уларни фақат кўзларидан танидик, - дейди шўрқишлоқликлар, - қотилларнинг кўзларида ўлим шарпаси муҳрланганди.*

(ТАМОМ)

2002 йил, СЕНТЯБРЬ - ДЕКАБРЬ.

**Адабий-бадний нашр**

**Маъмур МУСУЛМОН**

**Уймозор**

**Мухаррир:** Жамолиддин МУСЛИМ  
**Мусаввир:** Эркин МУСУЛМОҶОВ  
**Тех мухаррир:** Шухратжон МАМАЖОНОВ  
**Мусахҳиҳ:** Салима АҲМАДЖОНОВА

12.02.2007 йилда теришга берилди. 12.03.2007 йилда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84. Газета қоғози, 4 босма табоқ. Адади 2000 нусха. Буюртма 621. Баҳоси шартнома асосида.

**“Наманган” нашриёти**  
**(Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36)**

---

**Ибрат номли босмаҳона (Наманган шаҳри,  
Навоий кўчаси, 36)да теришиб, чоп этилди.**